БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 249 (1511) | 19 декабрь, шанба, 1959 йил. | Баҳоси 20 тийин

# Етти йиллик зафарларига зафар қўшайлик!

## Ўзбекистон ССР саноати етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажарди

*Ўзбекистон ССР Статистика бошқармасининг ахбороти*

Ўзбекистон саноат корхоналарининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съездининг тарихий қарорларидан руҳланиб, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, коммунистик қурилиш планини амалга ошириш учун олиб борилаётган умумий курашга ўз ҳиссаларини қўшдилар. 1959 йил плани ялпи маҳсулот ва кўпгина энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш бўйича муддатидан илгари, 18 декабрда бажарилди. Йил охиригача пландан ташқари бир неча юз миллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1958 йилдагидан 10 процент ортди, яъни етти йиллик план топшириқларида кўзда тутилганидан кўпроқ бўлди.

Электр қуввати ҳосил қилиш, нефть қазиш, пўлат эритиш, пўлат прокати, фосфатли ўғитлар, чигит экадиган сеялкалар, йигирув машиналари, бронекабеллар, дераза ойнаси, қоғоз, шойи, газлама трикотаж ва пайпоқ, чарм пойафзал, мол ёғи, қази-карта, консерва, қанд-қурс, ёғ, чой ва бошқа бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари бажарилди.

Халқ истеъмол қиладиган товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Маданий-маиший товарлар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни ошириш, уларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори катта роль ўйнади.

Саноатдаги ютуқлар техник-тараққиётини КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми белгиларганидек кенг жорий этиш асосида қўлга киритилди.

Ўзбекистон машинасозлик заводлари «ХВС—1,2» маркали янги пахта териш машинаси, «СХТ-4», «СХТВ», «СУГ—4» маркали ҳар бир уяга белгиланган миқдорда чигит экадиган янги хил сеялкалар, туксиз уруглик чигитни калибровка қиладиган машиналар, халқа системасидаги момиқ ажратгичлар ва бошқа машина-механизмларни ишлаб чиқардилар. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида ҳам маҳсулотларнинг кўпгина янги турлари ишлаб чиқарилди.

Саноатнинг ҳамма соҳаларида сермеҳнат ишларни янада механизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаш, янги техникани такомиллаштириш ва жорий этиш тадбирлари кўрилди.

Кўмир саноати корхоналарида металл мустаҳкамлагичлар ва энг янги транспортёрлар жорий этилди. Фарғона Халқ хўжалиги кенгашининг нефть саноатида асосий йирик блоклардан ишланган пармалаш вишкаларини қуриш ва монтаж қилиш кенгайтирилди, янги пармалаш установкалари жорий этилди. Нефть конларида қудуқларни бошқаришни диспетчерлаш ва телемеханизациялаш тугалланди.

Кимё саноатида суперфосфатни узлуксиз аммонийлаш усули муваффақиятли ўзлаштирилди, бу эса мавжуд майдонларда пахтачилик учун яхши сифатли ўғит ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш имконини берди. Мураккаб ўғитлар ишлаб чиқара бошланди. Янги синтетик маҳсулотлар олишнинг илғор усуллари ўзлаштирилди.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли машинасозлик заводларида кўпгина янги серунум автоматлар ва ярим автоматлар жорий этилди, деталларга механик ишлов берадиган кўпгина янги технологик поток линиялар ташкил этилди. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни яна ҳам механизациялаш, автоматлаш ва конвейерлаш давом эттирилди.

Саноат корхоналарининг рационализаторлари ва ихтирочилари 27 мингдан кўпроқ таклиф киритдилар. Ҳозирининг ўзида 8,5 минг таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу ҳар йили 160 миллион сўмни тежаб қолишга ёрдам беради.

Янги техника ва илғор технологияни жорий этиш натижасида план топшириқларининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари ошириб бажарилди. Масалан, қораметаллургияда мартен печлари тубининг ҳар квадрат метридан пўлат олиш топшириғи, кўмир саноатида мавжуд забойларнинг ўртача ойлик силжитиш топшириғи, пахта тозалаш саноатида тола ажратгичларнинг маҳсулдорлиги ва пахтадан тола ажратиб олиш топшириғи, ип газлама саноатида тўқув станоклари ва йигирув машиналарининг иш унуми топшириғи, ёғ саноатида чигитдан ёғни ажратиб олиш топшириғи, гўшт саноатида қўй-эчки ва чўчқадан кўпроқ гўшт олиш топшириғи ошириб бажарилди.

Саноат корхоналари электр қувватини тежашда янги ютуқларга эришдилар. Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида шу йилнинг фақат 9 ойи мобайнида 26 миллион киловатт-соат электр қуввати тежаб қолинди. Ўзбекистон металлургия заводи 1,2 миллион киловатт-соат, Олтинтопган кўрғошин-руҳ комбинати 4,5 миллион киловатт-соат ва карборунд заводи 4,9 миллион киловатт-соат электр қуввати тежади. Электр қуввати тобора кўп тежалмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисидаги Хати саноат ходимларини электр қувватини яна ҳам кўпроқ тежаш учун курашга сафарбар қилди.

Техника тинмай тараққий эттирилганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам ўсиб борди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани ортиғи билан бажарилди. Ҳар бир ишчининг иш унуми 1958 йилдагига қараганда 6 процент ошди. Ўтган йилдагидан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қариб учдан икки қисми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинди.

Товар маҳсулотнинг таннархи 1958 йилдагидан камайди. 1959 йилда планга қўшимча бир неча ўн миллион сўм тежалади.

Саноат ходимлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумини кутиб олишга ҳозирлик кўриб, ишлаб чиқариш суръатини тинмай қучайтириш ва етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар.

Турғун Шорасулев «Узбексельмаш» заводининг тажрибали пайвандчиларидан ҳисобланади. У етти йиллик топшириқни муддатидан илгари — уч йилда бажариш ҳақида юксак мажбурият олиб ишламоқда. Ўртоқ Т. Шорасулев ўз ваъдасининг устидан чиқиш йўлида фидокорона ишлаб, барчага ўрнак бўлмоқда. Ўз касбининг ижор-чикиларигача пухта ўрганиб олган пайвандчи шу кунларда смена топширигини 300 процент ва ундан ҳам ошириб адо этаётир. Суратда: ўртоқ Т. Шорасулев.

А. Палехов фотоси.

## ПАРТИЯЛИЛАР ОММАСИНИНГ ЮКСАК АКТИВЛИГИ

Бу йилги район ва шаҳар партия конференциялари етти йилликнинг биринчи йили бутун мамлакатимиз каби областимиз халқ хўжалигининг барча соҳалари катта муваффақиятлар билан якунланаётган бир вақтда ўтаётир. Тошкент халқ хўжалиги кенгашига қарашли саноат корхоналари ва шаҳар саноати йиллик планни муддатидан олдин бажариб ажойиб ғалабага эришдилар. Областимиз пахтакорлари ҳам мамлакатга 460 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топшириб, ўз юксак мажбуриятларини шараф билан бажардилар, партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленумига муносиб совға тайёрладилар.

Партия конференцияларининг дастлабки якунлари унинг юксак ғоявий савияда, коммунистларнинг актив иштирокида ўтаётганлигини ва партия ташкилотларининг хўжаликка раҳбарликни яхшилаш, идеология ишларини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтариш соҳасида ташкилотчилик роли анча ошганлигини кўрсатмоқда. Делегатларнинг нутқларидан партия ташкилотлари ўз конференцияларига сон жиҳатдан ўсган, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган, сиёсий жиҳатдан чиниққан ва партиямиз ленинчи Марказий Комитети атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкам жипсланган ҳолда келганликлари, партиялилар кенг оммаси эса ўз корхоналари, муассасалари, колхоз ва совхозлари ишига юксак жавобгарлиқ ҳисси билан қараётганликлари сезилиб турибди.

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини белгилаб берган КПСС XXI съездидан кейин район ва шаҳар партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятлари янада ошди, марксизм-ленинизм революцион назарияси билан қуролланган, ишни чуқур билган ва оммага моҳирлик билан етакчилик қила оладиган ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамланди, меҳнаткашлар ўртасида олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишларнинг кўлами кенгайди ва унинг савияси анча ошди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳасида эришилган катта муваффақиятларимиз бунинг яққол далилидир.

Бироқ Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети бизга ҳамиша қўлга киритилган муваффақиятлар олдида ҳеч қачон эсанкирамаслиқ, бу ютуқларни мустаҳкамлаш учун ишга танқидий кўз билан қараб, юз берган камчиликларни дарҳол бартараф қилиш ва кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш керак, деб таълим беради. Мағрурланиш, ютуқларга маҳлиё бўлиб кетиб, камчиликларни сезмаслик эса ишимизнинг муваффақиятига зарар етказади, холос.

Шуни унутмаслик керакки, бу йил областимиз саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилган бўлса ҳам ҳали ишимизда анчагина камчиликлар бор. Айрим корхона ва қурилишлар, колхоз ва совхозлар ҳам борки, улар ишлаб чиқариш планларини бажараолмаётирлар, қолоқ бўлиб қолмоқдалар. Бу айрим партия ташкилотлари томонидан омма орасида партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг бўш олиб борилиши натижасидир. Шу муносабат билан конференция делегатлари йўл қўйилган камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташламоқдалар ва уларни бартараф қилиш тадбирларини белгиламоқдалар.

Чиноз район партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида чиқиб сўзлаган делегатлар эришилган муваффақиятларни қайд қилиб ўтдилар. Шу билан бирга улар район партия комитети ва унинг бюроси йўл қўйган камчиликларни ҳам қаттиқ танқид қилдилар. Нотиқларнинг нутқидан шу нарса маълум бўлдики, район партия комитети хўжалик ва маданий қурилишга кўп ҳолларда бир ёқлама раҳбарлик қилган. Айрим колхозларда эришилган ўртача кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб, умумий юксалишга эришишни таъминламаган. Район пахта тайёрлаш планини умуман бажарган бўлса ҳам бир қатор хўжаликлар пахтадан жуда кам ҳосил етиштирдилар. Бундай камчиликлар Бекобод район партия ташкилоти фаолиятига ҳам таллуқлидир.

Етти йилликнинг иккинчи йили бўсағасида турибмиз. Олдимиздаги янги, ғоят катта вазифалар район ва шаҳар партия комитетларидан ўз раҳбарлик услубларини такомиллаштиришни, оммани булоқдек мавж уриб турган ижодий ташаббусига моҳирлик билан бошчилик қилишни, меҳнаткашларни янгидан-янги зафарларга большевикчасига сафарбар қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам улар асосий эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратишлари лозим.

Саноат корхоналари ва қурилишларда янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, қурилишга раҳбарлик қилишни тубдан яхшилаш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Халқ моддий фаровонлиги тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, умумий овқатланишни намунали йўлга қўйиш, ободончилик, уй-жой ва коммунал қурилиш ишларини янада яхшилаш ва шаҳар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш масалалари ҳам бу йилги партия конференциялари қатнашчиларининг диққат марказида турди. Делегатлар танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириб, партия ташкилотларининг кадрлар танлаш ва уларни тарбиялаш, ижрони текшириш, идеология ишларига етарли баҳо бермаслик, раҳбарлик қилишда коллегиалчилик принципларига риоя қилмаслик каби камчиликларини ҳар тарафлама очиб ташламоқдалар ва уларнинг бундан кейинги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифларни киритмоқдалар.

Шу нарса диққатга сазоворки, бу йилги партия конференцияларида район ва шаҳар партия комитетларининг составига ишчан, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ва омма орасида катта обрў қозонган ходимлар сайланди ва улар зиммасига хўжалик ва маданий қурилишга моҳирлик билан раҳбарлик қилиш, партия XXI съезди чизиб берган улуғвор программани оғишмай амалга оширишдек катта масъулият юкланди. Шунинг учун ҳам улар буни ҳисобга олишлари, халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнаткашларни етти йилликнинг иккинчи йили вазифаларини муваффақиятли бажариши учун курашга тўла сафарбар этишлари керак.

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

### ТОШКЕНТ ВА ФАРҒОНА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Тошкент ва Фарғона халқ хўжалиги кенгашига қарашли бир қанча корхоналарнинг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил 24 ноябрдаги «Халқ хўжалигида электр қувватидан рационал фойдаланиш тўғрисидаги хати»ни муҳокама қилиб, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, асбоб-ускуналарни тўғри ишлатиш, станоклар, механизмлар, машиналар ва агрегатларнинг беҳуда айланишини қисқартириш, технология ва энергетика асбоб-ускуналарининг техникавий ҳолатини яхшилаш йўли билан 1960 йилда анчагина миқдорда электр қувватини тежаб қолиш мажбуриятини олдилар.**

**Масалан, Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли саноат корхоналарининг коллективлари 15 миллион киловатт-соат электр қувватини тежаш, шу жумладан: Чирчиқ электр кимё комбинатида 5 миллион киловатт-соат; карборунд заводида 4 миллион 500 минг киловатт-соат; тўқимачилик комбинатида 800 минг киловатт-соат; Тошкентдаги 1-пахта тозалаш заводида 300 минг киловатт-соат; кабель заводида бир миллион 500 минг киловатт-соат; Ўзбекистон металлургия заводида бир миллион 200 минг киловатт-соат; Олтинтопган комбинатида бир миллион 700 минг киловатт-соат электр қуввати тежаш мажбуриятини олдилар.**

**Фарғона Халқ хўжалиги кенгашига қарашли саноат корхоналарининг коллективлари 12 миллион 500 минг киловатт-соат электр қувватини тежаш мажбуриятини олдилар.**

**Узбекистон КП Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисидаги нўрсатмаларини амалга ошириш юзасидан Тошкент ва Фарғона халқ хўжалиги кенгашлари саноат корхоналари коллективлари бошлаган қимматли ташаббусга катта эътибор бериб, қарор қилди:**

**1. Тошкент ва Фарғона халқ хўжалиги кенгашлари саноат корхоналарининг энергетиклари, ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг электр қувватини тежаш юзасидан бошлаган ташаббуси маъқуллансин.**

**2. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва бошқармалар, Узбекистон касаба союзлари Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети зиммасига бу корхоналар коллективларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир ишчи жойида, участкада, цехда, заводда, фабрикада, қурилишда, ташкилотда ва муассасада электр қувватидан рационал фойдаланиш учун социалистик мусобақани кенг миқёсда уюштириш вазифаси юклансин.**

## ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ ОЛИНДИ

Янгибозор жут-канап заводининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш, илғор иш усулларини қўлланиш натижасида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан бир ой илгари 104,5 процент қилиб адо этилди.

Коллективимиз ўз зиммасига янги оширилган мажбурият олди. Шунга кўра йил охиригача пландан ташқари 50 тонна тола ва ҳаммаси бўлиб 350 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Т. СЕКЕРОВ,
завод директори.

## Ўз ҳиссамизни қўшамиз

— Тўқимачилик саноати корхоналарини замонавий машина-ускуналар билан таъминлашда, — деди мухбиримиз билан суҳбатда Тошкентдаги тўқимачилик институтининг директори ўртоқ М. Хожинова, — илмий-тадқиқот ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Шу туфайли институтимиз илмий жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Тўқимачилик саноатини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорини техника тараққиётига даъват этувчи муҳим ҳужжат сифатида қараб, уни якдиллик билан маъқуллаймоқда.

Бу йил институтимиз тўқимачилик саноати мутахассислиги бўйича кўпгина кадрни тайёрлаб, ишлаб чиқаришга юборади. Шунинг учун ҳам битирувчи курс студентларига диплом темалари тақсимланганда асосий эътибор тўқимачилик машиналари технологиясига қаратилди. «Таштекстильмаш» заводи инженер-техник ходимлари ва конструкторлари ана шу мутахассисликка оид темалар устида дипломдан ёзаётган дипломантларга раҳбарлик қилиб, илмий ишларнинг тайёрланишига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Корхона конструкторлик бюроси «П — 65 — 6» йигирув машинасининг техника проекти» деган тема устида ишлаётган бир группа студентларни ўз оталигига олди. Мазкур дипломда машинани тайёрлаш ва ишга туширишни тўла автоматлаштириш назарга олиниб, агрегатнинг янги варианти лойиҳаси ишлаб чиқилади. Дипломантлар лойиҳанинг конструкторлик қисмини тугатиш арафасида турибдилар.

Институтимизнинг ўқитувчи-профессорлар коллективи бундан буён ҳам пойтахтимиздаги тўқимачилик саноати корхоналари инженер-техник ходимлари билан алоқани мустаҳкамлаб, замонавий технология процесслари ва машина-ускуналарнинг янги турлари лойиҳаларини тайёрлашда ҳамкорликда иш олиб боради. Шунингдек, корхоналарнинг инженер-кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга ҳам институт ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

## АҲОЛИ УЧУН

**Тошкентдаги 1-тикувчилик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан бир ой илгари ошириб бажардилар. Шу йилнинг ўтган 11 ойи давомида меҳнаткашлар учун қўшимча равишда юзларча минг сўмлик турли кийим-кечаклар етказиб берилди.**

**Фабрика коллективи КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми шарафига иш суръатини тағин ҳам ошириб, йил охиригача яна 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида янги оширилган мажбурият олди.**

ГАГАНОВА-ҒАНИШЕР ИЗИДАН

## Цех илғорлар қаторидан ўрин олди

Етти йилликнинг улкан қурилишлари тобора кўп винокорлик материаллари талаб қилаётир. Лекин худди шундай бир пайтда комбинатнинг трубо-шифер цехи мана 8 ой бўлдики, белгиланган топшириқларни муттасил бажармаётир. Бунинг устига тайёрланган маҳсулотнинг анчагина қисми бракка чиқмоқда. Кўп қатори коммунист ўртоқ Меметов ҳам ана шу цехдаги аҳволни тузатиш ҳақида бош қотирди. Ахир, комбинат қурувчилар олдида, бутун эл-юрт олдида жуда катта қарздор бўлиб қолган эди-да.

Валентина Гаганованинг ажойиб ватанпарварлик ташаббусидан руҳланган Меметов ана шу қолоқ цехга ўтиб ишлашга ҳоҳиш билдирди. Корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари коммунистнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлашди. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Цехдаги аҳвол сезиларли даражада ўзгарди. Октябрь ойида трубалар ишлаб чиқариш бўйича топшириқ 106 процент, шифер ишлаб чиқариш бўйича топшириқ эса 100 процентдан ошириб бажарилди. Қўлга киритилган бу дастлабки муваффақият цехдаги ҳар бир кишининг руҳини кўтариб юборди, коллективнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Натижада ноябрь ойи топшириғи 110 процентдан ҳам ошириб бажарилди. Шундай қилиб, қисқа муддат ичида узоқ вақтдан бери қолоқ ҳисобланган цех комбинатнинг илғор участкаларидан бирига айланди.

Биз цех бошлиғидан бу муваффақиятларнинг сабабини сўраганимизда, у дафъатан бирор нарса дейишга ийманди.

— Нима десам экан, — деди у, — бирор кўзга кўринадиган муҳим ташкилий-техник тадбир амалга оширганимиз йўқ. Асбоблар ҳам, ускуналар ҳам, цехдаги кишилар ҳам ўша-ўша. Биз ишни меҳнатни ташкил қилишни яхшилашдан, интизомни мустаҳкамлашдан бошладик. Кишилар билан кўпроқ ишладик, ҳар бир ишчида олинган мажбуриятга нисбатан чуқур масъулият сезиш руҳини вужудга келтирдик. Ана шу ишларнинг натижасини эндиликда ҳаммамиз кўриб турибмиз. Валентина Гаганова ёмон ишлайдиган ишчилар йўқ, балки нўноқ раҳбарлар бор, деб айтган эди. Ҳаёт унинг гапи тўғри эканлигини кўрсатмоқда.

Бир вақтлар қолоқ деб ҳисобланган цех коллективи комбинатда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган ҳаракатнинг ташаббускори бўлди. Коммунист Эркин Тожибоев раҳбарлик қилаётган бригада, айниқса ҳаммага намуна кўрсатиб меҳнат қилаётир. Бу бригада октябрь ва ноябрь ойларида пландан ташқари 7 минг дона шифер ишлаб чиқарди. Ўртоқ Валентин Топ бошчилик қилаётган труба ишлаб чиқарувчилар бригадаси ҳам шиферчилардан орқада қолаётгани йўқ.

Цехнинг кўринарли ерига: «Ўртоқ, шуни унутма, минутлардан соатлар, соатлардан эса кунлар ҳосил бўлади!» деган шиор осиб қўйилган. Коллективнинг ҳар бир аъзоси халқимизнинг тома-тома кўл бўлур, деган ҳикматли мақолига амал қилиб, ҳар бир грамм ҳомашёни тежаб тергаб ишлатмоқда, иш вақтининг ҳар бир минутидан тўла ва унумли фойдаланмоқда. Шу сабабли цех техника-иқтисодий кўрсаткичлари ой сайин эмас, балки кун сайин яхшиланаётирмоқда.

М. НОВИКОВ,
Бекободдаги Дзержинский номли цемент комбинати.

## 1960 ЙИЛ УЧУН КОЛЛЕКТИВ ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

ВЦСПС президиуми 1960 йил учун коллектив шартномалар тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда эйтиладики, бу муҳим кампанияни ўтказиш вақтида ишчилар ва хизматчиларни етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан олдин бажаришга, меҳнат унумдорлигини янада оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга ва меҳнаткашларнинг маданий-маиший талабларини тағин ҳам тўла қондиришга сафарбар қилиш зарур.

Коллектив шартномаларга КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техника тараққиётини жадаллаштириш тўғрисидаги қарорини бажаришга, социалистик мусобақани янада ривожлантиришга, ишлаб чиқариш топшириқларини тўла ва ошириб бажармоқ учун ҳамма ишчиларга зарур шарт-шароит яратиб беришга қаратилган мажбуриятлар киритилиши лозим.

1960 йилда ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига ўтказиш тугалланади. халқ хўжалигининг кўп тармоқларидаги корхоналарда иш ҳақи тартибга солинади. Планда капитал қурилишни анча кенгайтириш кўзда тутилган.

Коллектив шартномаларни текшириш ва 1960 йил учун янги коллектив шартномалар тузиш ишлари 1960 йил февраль ойигача тамомланиши лозим. Коллектив шартномани текшириш ва тузишга доир ишларни йиғилишларда якунлаш, корхона раҳбарининг ҳамда фабрика-завод комитети, маҳаллий комитет раҳбарининг докладларини муҳокама қилиш зарур. (ТАСС).

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети депутатларга маълум қиладиким, шу йил 23 декабрь эрта билан соат 11 да Узбекистон давлат эстрада театрининг биносида область Советининг еттинчи чақириқ бешинчи сессияси очилади.**

**Депутатлар шу куни эрта билан соат 9 дан бошлаб рўйхатга олинади.**

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.**

## Чўлни ўзлаштираётганлар ғалабаси

«Главголодностепгэсстрой»нинг бинокорлари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бу йил ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олган эдилар. Бинокорлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилиб, ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Мавжуд машина ва механизмлардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш, социалистик мусобақани авж олдириш натижасида 1959 йил топшириғи муддатидан икки ой илгари 102,5 процент қилиб бажарилди.

Айниқса, Жанубий Мирзачўл канали қурилишини олиб бораётган участка коллективининг меҳнати тақдирга сазовордир. Участка механизаторлари экскаваторлар қаровини яхшилаш ҳамда экскавация циклини қисқартириш эвазига ойлик планларни мунтазам равишда 115-120 процент қилиб адо этмоқдалар.

Бинокорлар КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашни янада қизитиб юборди лар.

А. ШЕРМАТОВ.

## МЎЛ-КЎЛЧИЛИК УЧУН

Мўл-кўлчилик нишонаси — нон маҳсулотларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун курашаётган коллективимиз йиллик топшириқни муддатидан бир неча кун олдин бажариб, пландан ташқари кўп миқдорда тешик кулча-сушка ва баранкалар тайёрлаб берди.

Ишчан коллективимиз корхонамиз техника иқтисодий кўрсаткичларини яхшилай бориш устида ҳам тинмай иш олиб бораётир. Ҳозир биз корхонамиз цехларида ўрнатилган янги асбоб-ускуналарни тўла ўзлаштириб олдик. Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган план 106,5 процент қилиб адо этилди.

Бу ютуқларга эришишда илғор ишчиларимиздан Исломов, Абдуллаева, Раевич- Дмитреева ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун янги-янги резерв ва имкониятларни ишга солаётган ишчи ва инженер-техник ходимларимиз етти йилликнинг иккинчи йили планини ҳам муддатидан олдин бажаришга аҳд қилган.

Л. АҲМЕДОВА,
Тошкентдаги 7-нон заводининг директори.

# Район партия конференцияларида

## ГУЛИСТОН

Етти йилликнинг биринчи йилида саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ажойиб муваффақиятларга эришилди. Давлатга пландаги 49800 ўрнига 54200 тонна пахта сотилиб, социалистик мажбурият ҳам шараф билан бажарилди. Бу ўтган йилдагидан 14700 тонна ортиқдир.

Конференция делегатлари бу муваффақиятларга механизациядан унумли фойдаланиш туфайли эришилганлигини таъкидладилар. Район партия комитети, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари пахтачиликни комплекс механизациялаш ишига оператив раҳбарлик қилдилар. Барча пахта майдонининг 70 процентига квадрат-уялаб чигит экилди. Ҳамма майдонлардаги ғўза 2 томонлама парвариш қилинди. Салкам 7500 тонна ҳосил машинада йиғиб олинди.

Бироқ районда пахтанинг ялпи ҳосили ҳатто 1956 йилдагига нисбатан анча кўпайган бўлса ҳам, бу йил ҳар гектар ердан 1956 йилдагига қараганда бир центнердан зиёдроқ кам ҳосил олинди. Нега?

Районнинг қатор хўжаликлари, жуда кўп бригадалар агротехника фани ютуқларига амал қилиб ва қудратли техникага суяниб, ҳосилдорликни кескин оширдилар. Ленин номли колхозда 2650 гектар ердан 30,2 центнердан ҳосил олинди. Ўртоқ Ғанишер Юнусов бошлиқ бригадада 82 гектар янги ердан 60 центнердан «оқ олтин» кўтарилди.

Бу бригадада ҳар бир киши ҳиссобига салкам 30 тоннадан ҳосил тайёрланди. Бригада аъзолари тайёрланган ҳосилнинг сифатига катта эътибор беришиб, ҳар бир центнер пахтани давлатга 325 сўмдан сотдилар. Пахтачиликдаги асосий ишларнинг ҳаммаси механизациялаштирилгани туфайли 1 центнер пахтанинг таннархи 82 сўм турди.

Энди бошқа бир мисолни олайлик. Район бўйича ҳар гектар ердан 23,1 центнердан ҳосил олингани ҳолда айрим хўжаликлар ҳосилдорликни 20 центнерданга ҳам етказолмадилар. «Ленинизм», «Оқ олтин», Мичурин номли колхозлар ва Бушуев номли совхоз шулар жумласидандир. Бу хўжаликларда пахтанинг таннархи ҳам қимматга тушди. Буни шу мисол ҳам тасдиқлайдики, ўртоқ Ғанишер Юнусов бошлиқ бригадада бир центнер пахтани етиштириш учун 2,4, юқоридаги хўжаликлардаги бригадаларда эса 10 — 12 тадан меҳнат сарфланди.

Районда ҳаддан ташқари кўп меҳнат сарфлаб, жуда кам ҳосил етиштирган бригадалар ҳам анчагина. Жуда кўп бригадалар ҳар гектар ердан 40 — 50 центнердан «оқ олтин» тайёрлаганлари ҳолда, шулар билан ери бир, суви бир бўлган 15 бригада фақат 12 — 15 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Айрим хўжаликларда, бригадаларда машина теримига етарли аҳамият бермаслик арзон пахта етиштиришдек муҳим ишга тўсиқ бўлиб қолаётир. Ҳисоблашларга қараганда районда ҳар бир центнер пахтани қўлда териш учун 68 сўм, машинада териш учун эса 4 сўмдан ортиқроқ пул сарфланган. Машина терилмасининг бундай афзалликларини «Коммунизм», «Ленинизм» ёки Сталин номли колхоз раҳбарлари тушунмайди дейсизми? Йўқ, улар бунга яхши тушунар эдилар. Фақат кам ҳафсалалик қилдилар. Бу хўжаликларнинг партия ташкилотлари эса ишдаги ана шу нуқсонларнинг ўз вақтида олдини олмадилар, ҳосилдорликнинг камайиб кетишига йўл қўйдилар.

Конференция қатнашчилари ана шуларни ҳисобга олиб, келгуси йилда пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялаш лозим, камида 10 минг гектар ернинг ҳосилини машинада териб олиш керак деган таклифлар билан чиқдилар.

Музокараларда сўзлаган делегатлар чорвачилик, боғдорчилик, парандачилик соҳаларидаги камчиликларни ҳам қаттиқ танқид қилдилар. Айниқса «Ленинград», Крупская номли, «Ленинский путь» колхозларида соғин сигирларнинг маҳсулдорлиги жуда камайиб кетганлиги, чорвачилик ва парандачилик маҳсулотлари колхоз, совхозлар учун жуда қимматга тушаётганини асло йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб кўрсатдилар.

Район партия комитети, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, комсомол, касаба союз ташкилотларининг ишини жонлантириш юзасидан ҳам бирмунча ишлар қилганлар. Аммо бу соҳада ҳали айрим камчиликлар ҳам бор. Аҳоли ўртасида лекция ва суҳбатлар кам ўтказилади. Шунингдек, партия ташкилотлари мактаблар ишига етарли эътибор бермаётирлар. Район соғлиқни сақлаш бўлимининг фаолиятида айрим нуқсонлар бор. Конференция қатнашчилари мана шу камчиликларни ҳам қаттиқ танқид қилдилар.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб, Қ. Ўкубоев, К. Ф. Пронин, М. Мирзўрбонов ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайландилар.

**С. СУЛТОНОВ.**

## БЕКОБОД

Саноат ва ўй-жой қурилишини олиб бораётган 10-қурилиш-монтаж бошқармаси, 704-УНР ҳам яхши ишламаётир. Бу икки ташкилот 11 ойлик планни бажармади. Кўпгина муҳим саноат, маданий-маиший объектлар ва ўй-жой бинолари қурилишини белгиланган муддатда тамомламади.

Конференцияда бу йилги қулай шароитда пахта тайёрлаш давлат планини бажармаган 1 ва 2-«Далварзин» совхозларининг партия ва хўжалик раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди. Бу икки йирик пахтакор хўжаликнинг, шунингдек «Чаноқ» совхозининг партия, хўжалик раҳбарлари пахтани машина билан териш юзасидан белгиланган планнинг бажарилишини таъминламадилар.

Металлургия заводининг директори ўртоқ И. Муҳамедов корхона коллективи йил охиригача пландагидан ташқари яна кўп миқдорда пўлат ва прокат ишлаб чиқариш, етти йиллики муддатидан илгари бажариш учун олиб борилаётган кураш ҳақида гапирди. Сўнгра у заводда капитал қурилиши, ишлаб чиқариш участкаларини реконструкция ялаш қониқарсиз бораётганини айтди.

—Бунинг учун,—деди нотиқ,—қурилиш ташкилотлари айблилир. 10-қурилиш-монтаж бошқармаси ва 704-УНР қониқарсиз ишламоқда. Район партия комитети эса уларга нисбатан етарли талабчанлик қилмаётир.

Делегатлар 1-«Далварзин» совхози партия ташкилотининг секретари ўртоқ Х. Юсуповнинг сўзидан қаноатланмадилар, чунки у совхозда давлат пахта тайёрлаш плани ва пахтани машина билан териш юзасидан белгиланган топшириқнинг бажарилмаганлиги учун ўтган йил кузда ерлар шудгор қилинмаганлиги сабаб бўлди, деди. Ваҳоланки совхозда бу йил ҳам кузги шудгор ҳалигача тамомланганги йўқ.

«Победа» колхозининг раиси ўртоқ Р. Абдураҳимов конференция қатнашчиларига пахтачиликни комплекс механизациялаш мўл ҳосил етиштириш, маҳсулотнинг таннархини кескин равишда камайтириш имконини бергани ҳақида гапириб берди. Шу билан бирга у, колхознинг чорвачилик соҳасидаги аҳволи талабга мутлақо жавоб беролмаслиги, бунинг учун колхоз партия ташкилоти ва правлениеси билан бирга район партия комитети ва район ижроия комитети ҳам айбдор эканини кўрсатди.

Районда гўшт, сут, жун, тухум етиштириш, чорва моллар сонини кўпайтириш планлари бажарилмади. Кўплаб қорамол, қўй, эчки ва чўчқаларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилди.

Делегатлар район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Каримовнинг нотўғри иш услубига таллуқли конкрет мисоллар келтирдилар. У кўп ҳолларда раҳбарликнинг коллегиал усулини бузиб якка бошчилик, маъмуриятчилик қилди, бюро аъзоларининг фикри билан ҳисоблашмади, партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларга менсимай қаради.

* * *

Райкомнинг пленуми бўлди. Райком секретарлари қилиб И. Хуснутдинов, Г. Кретов ва Т. Абдуллаев ўртоқлар сайландилар.

**Ҳ. АБДУСАМАТОВ.**

## БЎКА

Конференция ҳисобот доклади қилган райком секретари ўртоқ И. Каримов саноатнинг иши ҳақида гапирар экан, даставвал В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи ва унинг ажойиб коллективи эришган муваффақиятларга муфассал тўхталди. Металлургларга техника прогрессини ривожлантириш соҳасида кўп иш қилдилар. Бу, меҳнат унумдорлигини кескин равишда ошириш имконини берди. Корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 4 декабрда бажарди. Ҳозирнинг ўзидаёқ пландагига қўшимча равишда бирнеча минг тонна пўлат ва прокат ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, Фарҳод гидроэлектростанцияси, Бекобод ва Далварзин пахта тозалаш заводлари ва бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам етти йилликнинг биринчи йилини тузук натижалар билан якунламоқдалар.

Район пахтакорлари давлатга пахта сотиш планини тўла ado этдилар. Мамлакатга 42 минг 640 тонна ёки 1958 йилдагига нисбатан 6 минг 17 тонна кўп «оқ олтин» берилди. «Победа», Дзержинский номли колхозлар ва «Чаноқ» совхозининг коллективлари пландагидан ташқари давлатга кўп миқдорда пахта топширдилар.

Шу билан бирга докладчи ва музокарага чиқиб сўзлаган ўртоқлар район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари саноат ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйганликларини кўрсатдилар.

Конференцияда цемент комбинати партия ташкилоти ишлаб чиқаришга қониқарсиз раҳбарлик қилаётганлиги таъкидланди.

Район меҳнаткашлари 1959 хўжалик йилини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Давлатга пахта, ғалла, пилла, жун, гўшт, сут, тухум топшириш планлари анча ортиғи билан бажарилди. Пахтакорлар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни ҳам муддатидан олдин адо этдилар ва давлатга 32100 тонна, яъни ўтган йилгидан 6,3 минг тонна кўп пахта сотдилар. Етиштирилган пахтанинг таннархи ўтган йилгидан центнерига 19 сўмдан камайтирилди.

Район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган райком секретари Т. Ражабов ва сўзга чиққан делегатлар юқоридаги ютуқларни мамнуният билан қайд қилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар район партия комитети, колхоз правлениелари ва партия ташкилотлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташладилар.

Хўжаликнинг кўп соҳаларида давлат плани ва мажбурият бажарилган бўлса ҳам 7 колхоз пахта тайёрлаш планини бажармади ва давлатдан 1100 тонна пахта қарздор бўлиб қолди. 207 бригададан 42 тасида пахта плани бажарилмади. 8 колхоз гектаридан атиги 16-19 центнердан пахта ҳосили олди. Агар мана шу камчиликлар юз бермаганида район яна 4 минг тоннадан ортиқ пахта берган бўларди.

Конференцияда район партия комитетининг чорвачиликни ривожлантиришга бўш раҳбарлик қилганлиги, бунинг оқибатида чорва маҳсулотлари етиштириш ва моллар туғиғини кўпайтириш 1958 йилгига қараганда анча камайиб кетганлиги таъкидланди. Жумладан қўйлар сони 1200 бош, ҳар сигирдан соғиб олинган сут 130-250 килограмм камайиб кетган. Тимирязев номли, Хрушчев номли ва Охунбобоев номли колхозларда 1 дона тухумнинг таннархи 2 сўмга тушган. Охунбобоев номли колхозда 1 килограмм жуннинг таннархи 99 сўм, 1 тухумнинг таннархи 1 сўм 80 тийинданга айланган.

Делегатлар районда боғдорчиликни ривожлантириш тўғрисида ҳечким бош қотирмаётганлигини кўрсатдилар. Бironта колхоз ёки совхозда дуруст боғ ва токзор йўқ.

— Ҳамма шарт-шароитлар бўлишига қарамай пахта тайёрлаш давлат планини бажармаган «Ленинобод», «XIX партсъезд», «Октябрь 40 йиллиги», Сталин номли ва бошқа колхозларнинг раҳбарлари, — деди Мичурин номли колхоз раиси Каримов ўз сўзида, — кечирилмас хатога йўл қўйганликларини тушуниб олишлари керак. Бу ўртоқларнинг катта айби шундаки, улар ҳали ҳам кетмонга ёпишиб олганлар, механизацияга менсимай қараганлар.

Ўртоқ Каримов яқиндагина районнинг энг қолоқ хўжалиги бўлган Мичурин номли колхознинг қандай қилиб илғор хўжаликка айланганлиги ҳақида гапириб берди. У, хўжалик раҳбарларини кам меҳнат ва маблағ сарфлаб кўп маҳсулот етиштиришга эътиборни кучайтиришга чақирди.

«XX партсъезд» колхозининг раиси Ҳайитбоев алмашлаб экишга бефарқ қараётганликлари учун район партия комитети ва район ижроия комитети раҳбарларини танқид қилди. Районда 20-25 йиллаб сурункасига бир хил экин экиб келиётган майдонлар жуда кўп.

Ильич номли колхознинг илғор бригада бошлиғи Самат Сатторқулов ўз тажрибасини сўзлаб берди ва 1960 йилда 160 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта етиштириб, ҳосилнинг деярлик ҳаммасини машинада териб олишга аҳд қилганини айтди.

Жамбул номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Андрей Мин кўпчилик колхозларда техникага хўжасизларча муносабатда бўлинаётганлиги, техника қарови ва ремонт мутлақо қониқарсиз эканлиги тўғрисида гапирди.

«Бўка» совхозининг агрономи Исмоилов хўжаликларни электрлаштириш ва телефонлаштириш юзасидан зарур чоралар кўришни таклиф қилди.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида Т. Ражабов, М. И. Вислогузов ва А. Раҳимов ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайландилар.

**З. ИСРОИЛОВ.**

Ўрта мактабни битирган Жабборов ўз тенгқурлари қатори меҳнат қучоғига отилди. Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводига ишга кирмоқчи бўлганида унинг илтимоси қондирилди. Идроклн А. Жабборов аввалига шогирд бўлиб ишлай бошлади. Слесарлик касбини эгаллашга аҳд қилган бу ёш ишчи кўп ўтмай бу ҳунарнинг барча нозик томонларини пухта ўрганиб олди. Эндиликда эса у корхонанинг энг пешқадам ишчиларидан бўлиб қолди. Машинасозлар шундай пешқадам, берилган вазифани жон дилидан бажаришга интилувчи А. Жабборов билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Суратда: ўртоқ А. Жабборов иш устида.

О. Левак фотоси.

## ОЛИМЛАРНИНГ ТАВСИЯСИ

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтининг тажриба далаларида йиғим-терим ишлари тугалланди. Кўп йиллар давомида олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари якунланди. Олимлар ана шу асосда пахта етиштиришни, кўпайтиришнинг қўшимча резервларидан фойдаланиш тўғрисида тавсиялар тайёрладилар.

Тажриба кўрсатганидек, экин экиладиган тупроқнинг кучли қатлами вужудга келтирилиши билан қаламни 60 сантиметргача чуқурликда агдариб ҳайдашгина таъминлаб қолмай, балки икки қатламли қилиб ҳайдашни ҳам таъминлаш мумкин. Бунинг учун 5-35-ЭШ маркали янги конструкциядаги оригинал плуглан фойдаланилади. Бу плуг ернинг устки қатламини 15 сантиметр чиқиб бора олади, тупроқнинг энг унумдор қатламини 30 сантиметргача чуқурликда ҳайдаб агдаради. Ана шундай усул билан ишланган далаларда ҳосил тезроқ пишиб етилади ва ҳар гектар ердан қўшимча равишда 3,7 центнергача ҳосил олиш мумкин. Бу усулни етти йиллиннинг иккинчи йилида тахминан 130 минг гектар ерда қўлланиш мўлжалланмоқда.

Пахтакорлар ҳамма майдонда чигитни ундириб олиш учун одатда кўп меҳнат сарфладилар. Республиканинг жанубий районларида бунга эришиш айниқса қийиндир, чунки у ерларда куз, қиш даврида ёғингарчилик кам бўлади, яхоб бериб сугориш эса ҳамма ерларда ҳам ердаги табиий нам билан чигитни ундириб олишга тўла суратда таъсир кўрсата олмайди. Институт ходимлари бундай тақдирда махсус иш органлари билан ускуналанган культиваторлар ёрдами билан шудгор қилиб, ҳайдашни ерларнинг устки қатлами юмшатилгандан кейин ўтказишни таклиф қиладилар. Бундай қилиниши намнинг парга айланиб кетиши олдини олади. Кўкламда ернинг устки қатламига чигит экилади.

Бундай қилиб экилган экинлар тез ривожланади ва ҳар гектар ердан қўшимча равишда 4,5 центнергача ҳосил беради. Институт ходимлари бу прогрессив усулни келгуси йилнинг кўкламидан бошлаб Ўзбекистоннинг жанубий районларидаги хўжаликларда 12 минг гектар ерда амалга оширадилар.

(ЎзТАГ).

РЕПОРТАЖ

## СТУДЕНТЛАР ЎҚУВ

студент Иброҳимова моҳир чевар бўлиб қолди.

Тошкентдаги енгил саноат техникумининг катта, кенг ва ёруғ бинога жойлашган янги ўқув лабораторияларида ҳаёт қайнайди. Бир меёрда ишлаётган тикув машиналарининг гуруллаши, чевар қизларнинг диққат-эътибор билан ишлашлари, тикув машиналарининг бир неча қатор саф тортганлиги бу ерни тикув фабрикасининг цехларига ўхшатиб юборган.

Станокларни бошқараётган қизлар бутун зеҳну-иродасини бир жойга тўплаб, севимли иши билан банд. Улардан бири бичилган материалларни энди тикишга бошлаган бўлса, иккинчиси йеллар пальтосини қўлдан чиқариш олдида турибди. Баъзилари эса тайёр бўлган шойи кўйлакларни яна бир бор кўздан кечирмоқдалар. Булар техникумнинг тикувчилик факультетида ўқишади. Мана кулча юзли, қўнғироқ сочларини чамбарак қилиб олган Азизахон ПМЗ-22К маркали универсал тикув машинасини усталик билан бошқараётир. У костюм ёқасини тикаётган пайтда машинанинг мокиси эгри юриб, тикаётган чоки қийшайиб кетди. Азизанинг ишини кузатиб турган инструктор Малика Жўраева дарҳол ёрдамга келди. Устоз шогирднинг хатосини тўғрилаб, унга маслаҳатлар берди. Азиза чокни сўкиб, ишни қайтадан тика бошлади. Энди моки тикувчининг амрига бўйсиниб, тўғри юрар эди. Азиза костюмни битириб, Малика опага кўрсатди. Инструктор студентка тикан костюмни синчиклаб кўздан кечириб, мамнунлик билан деди:

— Бу ишинг жойида. Жуда бежирим чиқибди. Қунт қилсанг, мақсадингга эришасан, албатта.

Азизанинг севинчданми, уялганданми лўппи юзлари қизариб кетди..

Нариги машинада 4-курс студенти Марғуба Каримова пальтога енг ўрнатаётган эди. Ўз касбига меҳр қўйган Марғуба сал вақт ичида анча мураккаб операциянинг сирларини билиб олди. Бугун у мустақил равишда 12-ишни тикаётган эди. У механизациялашган тикув машинасини чапдастлик билан бошқараётир.

— Бу қизларнинг ҳаммаси мустақил ишлашга кўчган дейди Малика опа.—Биз фақат айрим пайтлардагина уларнинг камчиликларини тўғрилаб, маслаҳатлар бериб турамиз. Ҳафтасига икки марта 8 соатдан бўладиган практик машғулотлар уларнинг малакасини ошираётир. Техникумни битирувчиларнинг кўпчилиги эркак ва аёлларнинг костюмларини, шойи ва шерсть кўйлакларини, ёзлик ва қишлик пальтоларини, хуллас, 12 хил кийим-кечакни мустақил тика оладилар. Улар яна тўрт хил янги модадаги кийимни тикишни ўрганмоқдалар.

Тикувчилик факультетида 640 йигит-қиз таълим олаётир. Улар янги ўқув программасига мувофиқ барча дарсларнинг ярмига яқинини ишлаб чиқариш лабораториясида ўтказадилар. Бу эса уларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаб, меҳнат кўникмаларини ҳосил килишга ёрдам беради.

Ўқув йили давомида лабораторияда студентлар 3 мингдан ортиқ кийим-кечак тикадилар. Бу кийимлар шаҳар савдо тармоқлари орқали сотилмоқда. Ундан тушган пулга «Қизил тонг», 1 ва 2-тикувчилик фабрикаларидан зарур материаллар сотиб олинади.

Ўқувчилар ҳар йили 1,5—2 ой мобайнида республика ва иттифоқимизнинг энг йирик шаҳарларидаги тикувчилик корхоналарида практикада бўладилар. Бу даврда улар тикувчилик ишининг барча технологик процесслари билан чуқур таниша дилар, энг моҳир чеварларнинг тажрибасини ўрганадилар.

Пойафзалчилар учун қурилган лабораторияда ҳам ишлар қизғин бораётир. Лаборатория мудири ўртоқ М. Шомансуров лаборатория ишлари билан таништира бошлади.

— Лабораториямизда учта участка бор,—деди у.—Бу участкаларнинг ҳар бири пойафзал фабрикасидаги алоҳида цехни эслатади. Лекин бизда конвейер йўқ. Ҳар бир студент бир участкада ярим йил ишлайди. Ҳар ким кундалик топшириқни қандай бажараётганлигини алоҳида дафтарга ёзиб бораради. Бир студент ўқув йили давомида камида 25 жуфт оёқ-кийими тикиб беради. Р. Аблаева, Х. Рихсибоев, Ж. Бўронов, Е. Каримов, В. Макаричева каби студентларнинг ҳар бири эса шу кунгача 100 тадан оёқ кийими тикиб берди. 70 студент ўтган ўқув йилида 3 минг жуфтга яқин пойафзал тайёрлади. Бу пойафзаллар «Узглавобувь» базаси орқали аҳолига сотилди. Студентлар пойафзал станокларини эгаллаб бормоқдалар. Биз аълочи студент Ёқуб Каримовнинг ишини кузатдик. У «ФУП» машинасида тагчармнинг арайишини олаётган экан. Фрезерлик пичоғи ўрнатилган вал минутига 10 минг мартадан айланаётганига қарамай Ёқуб тайёр туфлининг арайишини усталик билан одмоқда эди. Бу иш ниҳоятда усталикни, диққат-эътиборни талаб қилади. Лекин Ёқуб браксиз ишлаётир.

Қолипдаш участкасида ҳам студентлар завқ-шавқ билан меҳнат қилиб, мураккаб операцияларни ўрганиб олмоқдалар.

Бу лаборатория хўжалик ҳисоби асосида ишлаётир. Яқинда бу ерда ҳам конвейер усулида ишлаш жорий қилинади. Янги модернизация қилинган станоклар сотиб олинади.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли политехникумнинг енгил саноат бўлими студентларининг амалий машғулотлари самарали ўтмоқда. Бунда техникумнинг тажрибали инструкторларидан К. Попова, В. Шчербакова, Л. Кричовец, Ф. Нечетов, М. Жўраева, М. Шомансуров, И. Николаенко, З. Губайдуллина ўртоқларнинг садоқат билан ишлашлари катта ёрдам бермоқда. Техникумда ташкил этилган ўқув-тажриба лабораториялари мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда.

**А. ИМОМОВ,**
**А. ҲАКИМОВ.**

Ўқув устахонасида машғулотлар қизғин бораётир.

А. Заблоцкий фото.

## БУ ВИСТАВКА 1960 ЙИЛДА ОЧИЛАДИ

1960 йил июнь ойида Тошкентда ҳаваскор рассомлар, ҳайкалтарошлар ва амалий санъат усталари асарларининг республика виставкаси очилади. 1960 йилнинг июль ойида эса ВЦСПС ҳаваскор рассомлар асарларининг Бутуниттифоқ кўригини ўтказади. Бўлардан мақсад тасвирий санъат билан шуғулланувчи ёш талантларни кўпроқ аниқлаш ва уларнинг ижодий ўсишларига ёрдам беришдир.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳри ва Тошкент областида виставкага тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Тошкент область халқ ижоди уйи методистлари ҳамда клуб ва маданият саройларининг ходимлари қобилиятли рассомлар, ҳайкалтарошлар, амалий санъат усталарини аниқлаш ва янги тасвирий санъат тўгаракларини ташкил қилиш бўйича катта иш олиб бормоқдалар. Бунга Чирчиқдаги химиклар маданият саройи, Тошкент офицерлар уйи, темирйўлчилар маданият саройи ходимлари томонидан тасвирий ва амалий санъат тўгаракларини ташкил қилиш бўйича олиб борилган ишларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бироқ бу ишга айрим маданият уйлари ва клубларнинг ходимлари бепарво қараб келмоқдалар. Бунга Фрунзе район маданият уйидаги тасвирий санъат тўгарагини кўрсатиш мумкин. Бу тўгарак тарқалиб кетган. «Ташсельмаш» заводидаги тўгарак ҳам ўз машғулотларини тўхтатиб қўйди. Тошкент шаҳар маданият уйи, Тошкент меҳнат резервларининг маданият уйи ҳузуридаги тўгаракларга эса ачинарли аҳволда. Тикувчилар маданият саройи ходимлари ҳам тасвирий санъат студиясининг иши билан жиддий шуғулланишлари керак.

Бўлажак республика кўригига тайёргарликни ҳозирданоқ бошлаб юбориш зарур. Ҳаваскор рассомларнинг энг яхши асарлари Москвадаги Бутуниттифоқ виставкасида намойиш қилиш учун таклаб олинади.

**Т. ОДИЛБЕКОВ.**

## БЕЗОРИ КОНДУКТОР

*Тошкент трамвай-троллейбус трестининг бошлиғи К. Турсунов ва партия ташкилотининг секретари Э. Икромов ўртоқларга*

## ОЧИҚ ХАТ

Шу йил 17 декабрда кечқурун ишдан қайтатуриб 11-трамвайда рўй берган хунук бир воқеанинг шоҳиди бўлдик.

Учинчи вагонга (650) янги чиққан йўловчилардан бири — ёш йигит кондукторга 30 тийин узатди. Кондуктор пулни олди-ю, билет бермай, ўзини гўлликка солиб тураверди.

— Билет бермайсизми,— деди йигитча ийманиб,—контроль чикиб қолса...

Кондуктор йигитга зарда билан ўшқириб билет йиртди-да, уни йигитга қараб улоқтирди: «Ол керак бўлса, нокас» деб вайсай кетди.

— Нега зарда қиласиз?— билетни қўлига берсангиз бўлмайдими,— деб эътироз билдирди йўловчилардан бири.

Бу ҳақли эътироз маданий муомала қилиш қобилиятинг тамомилг йўқотган ва безорилик йўлига ўтиб олган кондуктор Похотинанинг зардасини яна баттарроқ қайнатиб юборди. У овозининг борича бақириб, вагондаги йўловчиларни ёппасига ҳақорат қила бошлади. Ҳайвондан олиб-ҳайвонга, паразитдан олиб паразитга солди. Совет кишиларига ёт бўлган ибораларни сира тортинмай ёгдираверди.

Совет ҳокимияти йиллирида ленинча миллий сиёсат ва Совет Конституцияси қуёши остида фан, маданият чўққиларини эгаллаётган, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча қилаётган ғамхўрликлари туфайли маданий ва фаровон ҳаёт кечираётган совет кишиларини ҳақорат қилиш совет қонунчилигида катта жиноят ҳисобланади.

Афсуски, трамвай-троллейбусларда кондукторларнинг йўловчиларга қўпол муомалада бўлишлари ҳатто гуноҳсиз кишиларни куракда турмайдиган иборалар билан ҳақорат қилишдек бизнинг совет воқелигимизга тамомила ёт бўлган бўндай воқеалар тез-тез рўй бериб туради.

К. Турсунов, Э. Икромов ўртоқлар! Трамвай ва троллейбусларда кейинги маҳалларда тез-тез рўй бериб турган бу хунук воқеалар Тошкент трамвай ва троллейбуслар тресті коллективи ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади.

Биз ахлоқ доирасидан чиқиб, безорилик йўлига кириб кетган кондуктор Похотинага ва шунга ўхшаган кондукторларга нисбатан қаттиқ чора кўришни талаб қиламиз.

**А. РАСУЛЕВ.**
машинасозлик заводининг контролери.

**Т. СОЛИЕВ,**
«Ташгорпроект»нинг ишчиси.

**Ш. ИБРОҲИМОВ,**
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ходими.

**Х. ҒАФУРОВ,**
Тошкент медицина техникумининг директори.

**А. ЛУТФУЛЛАЕВ,**
Радио комитетининг редактори.

## КПСС МК ПЛЕНУМИ ОЧИЛИШ КУНИНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

# ҚЎЛДА ЭМАС, МАШИНАДА ТЕРАМИЗ

### Ўнбешмингчи йигит ва қизлар йиғилиши

Бу йил етиштирилган мўл ҳосилни териб олишда ўнбешмингчи йигирма чевар қиз билан йигирма азамат теримчи йигитларнинг ташаббуси катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу фидокор йигит ва қизлар ўтган куни область комсомол комитетида йиғилишиб, навбатдаги режалар тўғрисида маслаҳатлашдилар. Булар орасида мавсумда 20-30 тоннадан пахта терган бўкалик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг илғор теримчиси Назира Йўлдошева, 3-«Боёвут» совхозининг звено бошлиғи Олия Ғаффорова, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор теримчиси Ғафур Холматов сингари илғор теримчилар бор.

— Бугун биз ўз еўзининг устидан чиққан 40 йигит-қизнинг шарафли ишини якунлаш ва уларнинг 1960 йил режаларини белгилаш учун йиғилдик, — деди йиғилишни очган область комсомол комитетининг секретари Ўрток Абдураззоқов, — ташаббускор йигит-қизларимизнинг деярли ҳаммаси олган мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар ва Ленин комсомоли номига муносиб иш қилдилар. Бироқ шу чеварларнинг кўпчилиги келаси йили пахтани қўл билан эмас, машинада терамиз, шу мақсадда техниканинг тилини ўрганамиз деган истакни билдирмоқдалар. Бу ҳақда бир неча ўртоқлардан хат олдик. Масалан, «Пискент» совхозининг бригада бошлиғи Зарифа Убайдуллаева 1960 йилда мен пахтани машинада тераман. Бунинг учун қиши билан МТСда ўқийман, трактор ҳайдаш, пахта териш машинасининг тилини ўрганиб оламан, деб ёзибди. Шу ерда ўтирганлар орасида ҳам ана шундай истакни изҳор қилувчилар топилса керак. Залдан:

— Бор-бор, деган овозлар эшитилди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан Саодат Гулаҳмедова:

— Мен деярли ҳар йили 30 тоннадан ошириб пахта териб келмоқдаман. Лекин бундай қарасам менинг 5-6 йилда терадиган пахтамни машина бир йилда териб қўяр экан. Бу менга қаттиқ таъсир қилди. Мен механизацияни ўрганишга жазм қилдим. Келаси йил звено эмас, бригадани бошқаришга аҳд қилдим. 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш, чигит экишдан тортиб, пахта йиғим-теримигача бўлган барча ишларни машинада бажаришга бел боғладим. Бунга осонликча эришилмайди, албатта. Кунт билан ўқиб ўрганаман. Техникани бошқаришни эгаллайман. Ҳозир районимиздаги МТСда мен билан бирга 15 қиз ўқимоқдамиз. Чигит экиш кампаниясигача трактор ва пахта териш машиналарини ҳайдашни ўрганиб оламиз.

Сўнгра Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг теримчиси Насиба Саидхўжаева сўзлади:

— Йиғим-терим даврида колхозимизга келиб машинада пахта терган Турсуной Охунова, — деди у, — менда механик-ҳайдовчиликка ҳавас уйғатди. Буни Турсуной опамга айтган эдим, бажонидил ўргатаман дедилар. 8 кунда машина ҳайдашни дурустгина ўрганиб олдим. Шу бўлди-ю, бу ишга муҳаббатим ортди. Ҳозир тинч тураётганим йўқ. Қиши билан машинани ҳайдаб, унинг қисмларини пухта ўрганаман. Келаси йил мавсумда машина билан 150 тонна пахта теришга сўз бериб, Саодат опамни социалистик мусобақага чақираман.

Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозидан Дўсанов ҳам механик-ҳайдовчилик касбини эгаллаётгани ва келаси йил мавсумда 250 тонна пахта териш ниятн борлигини айтди.

Шунингдек, 3-«Боёвут» совхозининг звено бошлиғи Олия Ғаффорова, Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг теримчиси Анвар Маҳмудов, Гулистон районидаги Карл Маркс номли колхознинг теримчиси Абдураҳмон Чориев, ўртоқлар келаси йили пахтани қўл билан эмас, машинада теришнинг афзалликлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари мусобақадош Андижон области йигит-қизларини социалистик мусобақага чақириб, машина теримига катта аҳамият беришга даъват этдилар.

Ф. УСМОНОВА.

Суратда: Саодат Гулаҳмедова келгуси йил пахтани машинада теришга аҳд қилган ўнбешмингчи касбдошлари билан суҳбатлашмоқда.
В. Салов фотоси.

Колхоз аъзолари Маҳмуд Исмоиловни жуда ҳурмат қиладилар. Маҳмуд колхоз устахонасида уч йилдан буён токарлик вазифасини бажариб келмоқда. Бу меҳнатсевар ва шижоатли токарь қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда ҳаммавақт бошқаларга ўрнак бўлади.

Шу кунларда Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози устахонасида иш қизиб кетди. Шудгорлашни уюшқоқлик билан давом эттираётган механизаторларга трактор деталларини сифатли ремонт қилиб бериш ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Устахонада меҳнат қилаётган слесарлар, токарлар бунн яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар у ёки бу топшириқни ўз вақтида сифатли бажариш учун курашиб, бир-бирлари билан мусобақалашиб ишламоқдалар. Маҳмуд Исмоилов ана шу мусобақанинг пешқадамларидан ҳисобланади.

Суратда: Маҳмуд Исмонлов иш устида.

В. Салов фотоси.

## Сабзавот мўл бўлади

Бўстонлиқ райони колхоз ва совхозлари бу йил биринчи марта картошка ва сабзавот етиштирадиган хўжаликлар бўлиб ихтисослаштирилди. Бу соҳада қўйилган дастлабки қадам ўзининг самарали натижаларини берди.

Айниқса, Фрунзе номли колхоз сабзавотчилари эришган муваффақиятлар мақтовга лойиқдир. Улар сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш планини 143 процент бажариб, иқтисодий жиҳатдан ўзларини анча мустаҳкамлаб олдилар. Бундай ютуқларни қўлга киритишда шудгорлашни барвақт тамомлаш катта роль ўйнади. Шунинг учун ҳам бу йил районнинг барча хўжаликларида келгуси йил мўл ҳосили учун ҳозирдан бошлаб пухта замин тайёрлашга киришилди. «Қозоғистон ССР 30 йиллиги», «Чирчиқ» колхозларида, «Хўжакент» совхозида экин майдонларининг 70-80 процента 30-35 сантиметр чуқурликда шудгорлаб қўйилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, районнинг бир қатор колхозларида бу йилги эришилган дастлабки муваффақиятдан мағрурланиб кетган раҳбарлар келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик ишларини сусайтириб юбордилар. Улар мавжуд ҳайдов тракторларини вақтида ремонтдан чиқариб, шудгорлаш ишига тўла сафарбар этилишини таъминламадилар. Ана шунинг натижасида шудгорлаш соҳасида берилган топшириқ белгиланган миқдорда бажарилмаяпти. Районнинг Ўртоқ Умаров раислик қилаётган Энгельс номли, Ўртоқ Ҳошимов раислик қилаётган Ленин номли, Ўртоқ Сайдалиев раислик қилаётган Жданов номли колхозларда йўл қўйилаётган камчиликлар бунга мисол бўла олади. Бу колхозларда ҳайдов тракторларидан кўнгилдагидек фойдаланилмаётганлиги сабабли шудгорлаш плани эндигина 50-60 процент бажарилди, холос. Бу колхозларнинг раҳбарлари райондаги илғор колхозларнинг тажрибаларидан ўрганиб иш кўришлари, тракторчиларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб бериб, уларни унумли меҳнат қилишга рағбатлантиришлари, шу йўл билан шудгорлаш суръатини кучайтириб юборишлари зарур. Ана шундагина келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин тайёрланган бўлади.

В. ҚОДИРОВ,
О. ҚОБУЛЖОНОВ.

## Механизаторлар ғайрат қилишмоқда

Кенг картада эрта тонгдан бошлаб иш қизиб кетди. Механизаторлар ўз агрегатларини пухта созлаб ер ҳайдаётганликлари туфайли иш унумли бўлаяпти.

—Ер бети музламасдан ерни шудгор қилиб олсак, марра бизники, — дейди колхоз раиси, — шунинг учун ҳам механизаторларимиз ғайрат қилишаяпти. Ахир кузги шудгор мўл ҳосил гарови эканлигини тажрибада синаб кўраяпмиз. Бу ишни яқин кунлар ичида тамомлаймиз.

Колхознинг барча бригадаларидаги қиришқор деҳқонлар ана шунга амал қилиб келгуси йилга пухта замин ҳозирламоқдалар. Ҳозиргача 2000 гектардан ортиқ ер ҳайдалди. Илғор механизаторлардан Шербон Тимофеев, Латиф Фозилов, Анатолий Караев ўртоқлар худди йиғим-терим давридагидек ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Буларнинг ҳар бири «ДТ-54» трактори билан кунига 7—8 гектар ерни шудгор қилишаяпти.

Колхоз далаларини айланар экансиз, бу ерда иш конвейер усулида ташкил этилганлигини кўрасиз. Бир томонда ҳосилдан бўшаган ерлар ... қилинаяпти. Ҳали кўсаги тўла териб олинмаган ерлар ҳам бор. Бир гуруҳ колхозчилар етиштирилган «оқ олтин»нинг сўнгги граммларини териб олмоқдалар.

Колхозда кузги-қишки тадбирлар ҳар тарафлама кучайтириб юборилган. Шудгорлаш олдидан ерга минерал ва маҳаллий ўғитлар солинаётир. Колхоз правлениеси маҳаллий ўғит тўплаш ва уни далага ташиб чиқариш ишига алоҳида эътибор бермоқда. Бунинг учун 15 от-арава ва бир автомашина ажратилган. Аравакашлардан Абдуғани Махматназаров, Йўлдош Шоғатаев, Журсин Турумбетов, Ҳақназар Ортиқбоевлар пахта ортиш ва ташиш вақтида ғайрат кўрсатиб, ҳаммани қойил қолдирган эдилар. Мана энди улар келгуси йил мўл ҳосилига замин яратилаётган ҳозирги кунларда ҳам бўш келмаётирлар. Далага тобора кўп ўғит ташиб чиқараётирлар. Шу кунгача 1400 тоннага яқин маҳаллий ўғит тайёрланди.

Янгийўл районидаги Киров номли колхоз аъзоларининг етти йилликнинг биринчи йилида эришган меҳнат ғалабалари қувончли бўлди. Бу ерда 2273 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан, жами 6655 тонна пахта етиштирилди. Колхоз аъзолари бу ютуққа кўпгина майдонларга квадрат-уялаб чигит экканликлари, ғўза парваришида механизациянинг кучига суянганликлари, йиғим-терим даврида машиналардан кенг фойдаланилганлиги туфайли эришдилар. Бир минг гектардан ортиқ ердаги ғўза кетмонсиз парвариш қилинди. Механизация меҳнат сарфини анча камайтирди. Ўтган йили бир центнер пахта учун 7,5 меҳнат куни сарфланган эди. Бу йил эса фақат 5,6 тадан меҳнат сарфланди. Колхозчилар, механизаторлар катта коллективнинг ҳар бир аъзоси машина деҳқоннинг оғирини енгил қиладиган энг яқин дўсти эканлигини амалда синаб кўрдилар. Шунинг учун ҳам меҳнатнинг якундари бу колхоз аъзоларини янги-янги ғалабаларга отлантирмоқда. Колхоз аъзолари келаси йили бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш, шудгорлашни барвақт тугаллаш, кузги-қишки тадбирларни тўла амалга ошириш учун курашмоқдалар. Механизаторлар бу курашнинг пешқадами бўлаётирлар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1959 ЙИЛ 18 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Шаҳарлар ва районларнинг номи | Топшириқнинг бажарилиши | Бир кунлик ўсиш |
|---|---|---|
| Оҳангарон | 193 | — |
| Бўстонлиқ | 123,1 | — |
| Қорасув | 109,3 | — |
| Юқори Чирчиқ | 107,7 | — |
| Олмалиқ | 105,4 | — |
| Гулистон | 100,0 | 0,2 |
| Ўрта Чирчиқ | 96,8 | 1,6 |
| Калинин | 96,2 | — |
| Қуйи Чирчиқ | 96,1 | — |
| Оржоникидзе | 95,4 | 1,5 |
| Боёвут | 93,1 | 2,6 |
| Бекобод | 93,0 | — |
| Бўка | 91,0 | 4,8 |
| Сирдарё | 85,2 | 2,1 |
| Оққўрғон | 83,5 | 2,9 |
| Янгийўл | 79,0 | 2,0 |
| Пискент | 76,6 | 0,1 |
| Чиноз | 73,0 | 2,6 |
| Янгиер | 58,0 | — |

ФАН ОЛАМИДА

# ПОЛИМЕР СМОЛАЛАРИ

Ион алмаштирувчи синтетик смолалар ажойиб ҳусусиятларга эга бўлган янги хил кимёвий материаллар қаторига киради. Олимларимиз уларнинг турли-туман хилларини яратдилар. Ион алмаштирувчи синтетик смолалар ёки ионитлар жуда йирик кимёвий молекулалардан иборат типик полимерлардир. Ишлаб чиқариш шароитида бундай смолаларни қаттиқ доначалар ҳамда турлича катталикдаги юмалоқ шаклли, сувда ва бошқа эритувчиларда эримайдиган заррачалар ҳолида, шунингдек ниҳоят даражада эластик бўлган плёнкалар ҳолида олинади.

Смола скелетининг ва унга аралаштирилган кимёвий актив группаларнинг составига қараб хилма-хил маркали ионитлар тайёрланади. Уларнинг ҳар бири ўзига ҳос муҳим ҳусусиятга эга. Бундай моддалар ҳар қандай муҳитда турли ион ва кимёвий моддаларни ютиш хоссасига эга. Шуниси жуда муҳимки, смолага сингиб кетган ион ва кимёвий бирикмалар ундан осонгина ажралиб чиқади ва шундан кейин смола қайтадан ион алмаштирувчи ҳусусиятга эга бўлиб қолади. Бунда ҳам икки иш цикли — сингдириш ва регенерацияни ўша смола порциясининг ўзида узоқ вақтгача (бир йил ва ундан ҳам кўпроқ) тўхтовсиз навбатлаштириб, бу жараённи давом эттириш мумкин.

Табиий сувлар составида доимо бир хил аралашмалар — эриган газлар, тузлар бўлади. Денгиз ва шўр кўлларнинг сувида эриган тузлар айниқса кўпдир. Айниқса булоқ, кўл сувларида магний ва кальций нордон тузлари кўпроқ бўлади. Бундай сув «қаттиқ сув» деб аталади. Унда совун яхши кўпирмайди. Қаттиқ сувда ювилган газлама мўрт бўлиб қолади ва букланган жойидан йиртила бошлайди. Бундай сувни чойнак ёки самоварга солиб қайнатилганда унинг таги ва ён деворларида оқ рангли қаттиқ қўйқа пайдо бўлади. Сув қанчалик қаттиқ бўлса, қўйқа қатлами шунчалик қалин бўлади. Қаттиқ сувдан дамланган чой яхши чиқмайди, бундай сувда сабзавотлар ҳам яхши пишмайди. Қаттиқ сувни ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳаларида, масалан, газламаларни бўяшда, жунни қайта ишлаш ва кўн ишлаб чиқаришда ишлатиб бўлмайди.

Агар қўйқа қатламининг қалинлиги 3 миллиметрга етса, ёқилгининг ортиқча сарфланиши 5 процентни ташкил қилади. Буғ қозонидаги қўйқа ҳатто авариядa — портлаш юз беришига ҳам олиб келиши мумкин. Оқ-кулранг қўйқа қатламидан кўра қозон метали тезроқ қизийди ва ёриқлар ҳосил бўлади.

Ана шу каби зарарли қолатларнинг олдини олиш учун ҳам қаттиқ сув «юмшатилади», яъни унинг тузлари ажратиб олинади.

Сувни турли усуллар, кўпроқ кимёвий усуллар билан тозаланади. Бунинг учун сувга ўчирилган оҳак, сода, турли-туман махсус препаратлар қўшилади. Кўпинча пермутинлар деб аталувчи сунъий минераллар қўлланилади. Уларни эса каолин, кварц ва сода қўшиб тайёрланади.

Яқинда кимёгарлар ана шу қийин масалани синтетик смолалар: аминоформальдигин смолалар, фенольдегид смолалар ва полистироллар ёрдамида ҳал қилишга муваффақ бўлдилар. Сувдаги туз молекулалари — мусбат ва манфий зарядли заррачалар — ионларга ажралади. Маълум бўлишича, юқорида айтиб ўтилган смолалар эритмадан у ёки бу хил ионларни сиқиб чиқара олар экан. Катионитлар деб аталувчи бир хил смолалар мусбат ионлар — катионларни ютиб олади, бошқа хиллари, яъни анионитлар эса манфий ионлар — анионларни ютиб олади. Бундай смолаларни техникада ҳам ионитлар ёки ион алмаштирувчи смолалар деб юритилади. Бу смолалардан фойдаланилганда электростанцияларнинг ўзидагина жуда кўп маблағни тежаб қолиш мумкин. Бу иш жуда осон ҳал қилинади: турбиналарга суркалган смолалар сувни «юмшатиб», тузлардан тозалаб беради.

Кўпгина электростанцияларда сув қатлами йиғилиб қолишининг олдини олиш учун ҳозир ҳам маҳсус ювиш ўтказилади, бунда турбиналар тўхтатиб қўйилади. Қуввати зўр турбинани ювиш 250 минг сўмга тушади. Бу мушкулни осон қилишда полимер смолалардан фойдаланиш мумкин.

Сув ҳавзалари ва сув билан таъминловчи манбаларнинг ифлосланиши натижасида кўп қийинчиликлар туғилади. Саноат, корхоналаридаги ташландиқ сувларни тозалашнинг радикал усуллари кейинги вақтларгача топилмаган эди, ҳозирги вақтда кимё фани ион алмаштирувчи синтетик смолалар ёрдамида ана шу мураккаб ва муҳим масалани ҳал қилишга имкон бермоқда. Гап ташландиқ сувларни зарарли аралашмалардан тозалашдангина иборат эмас, балки шу аралашмалардан, чунончи мис, никель, хром сингари қимматли металлар ёки кимё маҳсулотлари илгари жуда кўп миқдорда исроф бўлиб кетарди. Эндиликда уларни ишлаб чиқаришга қайтариш мумкин. Сунъий шойи ишлаб чиқарадиган фабрикаларнинг ташландиқ сувларидан мис тузларини, кинокопировка фабрикалари ва кумуш ҳал бериш цехларининг ювинди сувларидан кумуш металини, аффаназ заводларининг силқинди сувларидан олтин ҳамда платина группасига кирувчи металларни ушлаб қолиш ва уларни концентрациялаш мумкин. Бу проблема ион алмаштирувчи полимер смолаларни қўллаш орқали ҳал қилинади.

Ион алмаштирувчи полимер смолалар ишлатиладиган бошқа жуда муҳим соҳалар ҳам бор. Саноатнинг атом энергияси, чала ўтказгичлар ишлаб чиқариш ва баъзи бошқа тармоқлари учун ниҳоят заражали соф, нодир элементлар зарурдир. Табиатда жуда кам тарқалган бу элементлар кейинги вақтларга қадар соф ҳолда деярлик олинмас эди. Бунинг устига уларнинг баъзилари фавқулодда ўхшаш бўлган буғлар ҳосил қилади (цирконий-гафний, ниобий-тантал, молибден-рений ва бошқалар). Фақат ион алмаштириш усули билан бир-бирига яқин бўлган ана шундай элементларни ажратиб олиш мумкин.

Ион алмаштирувчи полимер смолаларни озиқ-овқат саноатида қўлланиш катта аҳамиятга эга. Улардан қанд эритмалар таркибини минералсизлантиришда фойдаланилади. Бу эса қанд ишлаб чиқариш технологиясини яхшилайди, чунки шарватнинг сифати яхшиланган сари олинадиган қанднинг миқдори кўпаяберади. Қанд ва патокaнинг сифати ҳам юқори бўлади.

Ион алмаштирувчи полимер смолалар ёрдамида вино тайёрлаш ва консерва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан озиқ-овқат саноати ва техникада ғоят муҳим бўлган лимон, вино, аскорбин кислоталарини кўп миқдорда олиш мумкин. Антибиотиклар, алколоидлар, витаминлар ва фармацевтика препаратларини тозалашдек нозик ишларда ҳам ион алмаштирувчи полимер смолалардан фойдаланилади.

Ўрта Осиё пахтакор районларини сув билан таъминлашда тепалик ерларга сув чиқариш қийин. Бунда ер остидаги шўр ёки булоқ сувларидан фойдаланилса бўлади. Лекин булоқ сувлари таркибидаги эриган тузлар пахта ўсимлигининг ўсишига тўсқинлик қилади. Бунинг олдини олиш учун ион алмаштирувчи полимер смолалардан фойдаланиш керак. Бу ион алмаштирувчи полимер смолалар пахта ўсимлигига зарарли бўлган тузларни ўзига ютиб олиб, сувни тозалаб ўтказади. Унда ҳам ион алмаштирувчи полимер смолаларининг нақадар практик аҳамиятга эга эканини кўрамиз.

Ўзбекистон олимлари ион алмаштирувчи полимер смолалар устида бирмунча илмий ишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, Ўрта Осиё Политехника институти кимё-технология факультетининг профессори Ҳусни Рустамов ўз шогирдлари билан ион алмаштирувчи полимер смолалардан кимёвий реакцияларни тезлаштиришда катализатор сифатида фойдаланиб, бир қанча кимёвий реакцияларнинг кинетикасини ўрганиб чиқди. Профессор ион алмаштирувчи полимер смолаларнинг турли хилларини, яъни кислота ва ишқор хоссасига эга бўлган полимер ион алмаштирувчи смолаларнинг физикавий-кимёвий характеристикаларини ўрганиб чиқди.

Олимларимиз кимё саноатини, шу жумладан янги синтетик материаллар ишлаб чиқариш соҳасидаги ишларни янада ривожлантириб, партиямиз XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қўйган улуғвор вазифаларни адо этиш учун ғайрат билан ишламоқдалар.

А. ЁҚУБОВ,
Ўрта Осиё Политехника институти органик кимё кафедрасининг ассистенти.

## ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

### ЭЛЕКТР ҚУВВАТИДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ

СТАЛИНОБОД. Сталинободдаги цемент заводида электр қувватидан рационал фойдаланишнинг янгидан-янги имкониятлари қидириб топилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сдиницасига электр қуввати сарфлаш камайтирилди. Ўтган йили тайёрланган ҳар бир тонна клинкер учун 92 киловатт-соат электр қуввати сарфланган бўлса, эндиликда 85,3 киловатт-соат электр қуввати сарфланмоқда.

Корхоналар батамом реконструкция қилинаётган ҳозирги вақтда йирик агрегатларнинг ҳаммасида янги электродвигателлар ўрнатилмоқда, автомат регуляторлар ва бошқа бир қанча мосламалар жорий этилмоқдаки, бу ҳол моторларнинг бекорга ишлашидан қутилиш ва ускуналарни иш билан тўла таъминлаш имкониятини беради.

### БЕЗМЕИН — ТУРКМАНИСТОННИНГ ИНДУСТРИАЛ РАЙОНИДИР

БЕЗМЕИН. Бу янги саноат райони Туркманистон пойтахти яқинида жойлашган. Бу ерда қурилиш индустриясининг бир қанча корхоналари барпо этилмоқда. Ана шу корхоналардан бири минерал мамиқ бошқалари эса шифер, асбоцемент трубалар ишлаб чиқара бошлайди.

Ҳозирги вақтда бу ерда цемент заводи қурилмоқда. Келгуси йилнинг тўртинчи кварталида заводнинг биринчи навбати ишга туширилади.

Безменда йирик панелли уй қуриш заводи, ремонт-механика заводи ва бир миллион километр шағал берадиган карьер қуриш кўзда тутилмоқда.

### ЯНГИ ХОМАШЁ МАНБАЛАРИ

ҚАРАҒАНДА. Қозоғистондаги марказий геология бошқармаси экспедицияси Қараганда иқтисодий райони территориясида минерал хомашёнинг янги йирик манбаларини қидириб топди.

Балхаш кўли бўйида мистемир рудасининг бой конлари очилди. Бу конлар Балхаш мис эритиш комбинати учун қўшимча хомашё базаси бўлади. Комбинатнинг қуввати етти йиллик мобайнида анча ошади.

Марказий Қозоғистоннинг жанубида яна бир руда манбаи топилди.

### МАККАЖЎХОРИ СИЛОСИ

ОЛМАОТА. Етти йилликнинг биринчи йилида Қозоғистон колхоз ва совхозларида икки миллион юз минг гектар майдонга маккажўхори экилди. Бу майдон қўриқ ерлар ўзлаштирилмасдан олдинги, бундан 6 йил илгариги маккажўхори майдонидан 17 баравар кўпдир.

Маккажўхори майдонларини кенгайтириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш республикага сут етиштиришни икки баравар кўпайтириш имконини берди.

Гўшт етиштиришда ҳам маккажўхори озуқасининг салмоғи ошмоқда. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил давлатга 633 минг тонна, деярлик ўтган йилдагидан анча кўп гўшт сотдилар. Республикада ҳеч қачон бу қадар кўп гўшт сотилмаган эди.

Бундан 6 йил муқаддам Қозоғистонда 866 минг тонна силос бостирилган эди (асосан ёввойи ўтлардан). Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозлар ўша вақтдагидан ўн баравар кўп силос тайёладилар. Шу билан бирга бу силос асосан маккажўхори поялари ва сўталаридан бостирилди.

### ҚИРҒИЗИСТОН АДИБЛАРИНИНГ ХОТИРАСИ

ФРУНЗЕ. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ёзувчи — жангчиларга хотира учун Қирғизистон пойтахтида хотира тахтаси очилди. Гулчамбарлар билан ўралган мармар тахта миллий адабиёт асосчиларидан бири шоир Жусуп Тўрусбековнинг, машҳур прозаик Муқай Элибоевнинг, драматург Жекшен Ашубоевнинг, болалар ёзувчиси Қусейин Эсенхўжаевнинг, шоир Жума Жамғирчеевнинг номлари ёзиб қўйилган.

(ТАСС).



Қустанай области. Етти йиллик қурилишлардан бири — Соколовск-Сарбой кон саралаш комбинати ТЭЦининг биринчи навбати қад кўтараётир. У кончилар шаҳри Руднийни ва саноат объектларини буг ва иссиқ сув билан таъминлаб туради. Электрэнергияни эса Урал энергетика системасига узатиб беради. Суратда: ТЭЦ қурилиши.

Ю. Немов фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

## Институт лабораториясининг ишлаб чиқаришга ёрдами

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти республикамиз саноат корхоналари билан яхши ижодий ҳамкорлик ўрнатган. Институтнинг металло-физика ва дефектоскопия лабораториясининг Тошкент области корхоналари билан қилаётган ҳамкорлиги бунга мисол бўла олади.

Лаборатория «Ўзбекхиммаш» заводида саноат--гамма установкаси ва «Кобальт 60 — 5» установкаларини ишга туширишда ёрдам берди. «Ташкенткабель» заводида сим тайёрлаганда алюминий қўймалари орасида ҳар хил нуқсонлар яшириниб қоларди. Лабораториянинг илмий ходимлари гамма нурлари ёрдами билан алюминий қўйилмалари орасидаги нуқсонларни аниқлашга ёрдам бердилар. «Ўзстройгазмонтаж» трестида лабораториянинг илмий ходими Тўлаган Имомов бир ойлик радиография курси ташкил этиб, бир қанча ёшларни унга жалб этди. Шунингдек, трестга газ қувурларини пайвандлаш жойларида бўлган нуқсонларни радиоактив изотоплар билан аниқлашда ёрдам қилинди.

Шундай қилиб, лабораториянинг илмий ходимлари ишлаб чиқаришга қўлларидан келганича ёрдам бериб, етти йиллик план топшириқларини бажаришга ўз улушларини қўшмоқдалар.

Ҳ. МУҲАММАДСОДИҚОВА.

## Ишдан сўнг музика мактабига

Оқшом... Узун коридордан юриб борар эканмиз, синф хоналаридан музика садолари эшитилиб туради. Бир уйда фортепиано, бир уйда скрипка ва яна бир уйда баян чалишяпти. Чолгучилар санъат аҳллари эмас, балки бундан 1—2 соат илгари конда кўмир қазиган, шаҳарда янги уй қурган, станокда деталь ясаган ишчи-хизматчилар. Хоналарнинг бирида Оҳангарондаги 1-қурилиш бошқармаси участка механиги ўртоқ Телесин учратамиз. Бу механик бир неча ойдан бери шаҳар музика мактабининг фортепиано классида шуғулланади. Шунга қарамай у иккинчи ўқиш йили программасидаги асарларни ижро эта олади. Бу ҳаваскорга педагог Полина Аркадьевна Зислис санъатнинг нозик томонларигача эгаллаб олишга ёрдамлашмоқда.

Кечки музика мактабига 9-шахта ишчиси Шефер, «Подземгаз» станцияси ишчиси Куташова, ГРЭС турбинаси машинисти Новиков каби 70 га яқин турли касбдаги киши ҳар куни ишдан сўнг келиб ўқимоқда.

Ю. ИГНАТОВ.

## Автомобиль парки

**Шаҳар автокомбинати Қорасарой кўчасида 4-автоколонна учун парк қуришга киришди. Янги паркда сақланадиган автобуслар асосан Октябрь район меҳнаткашларига хизмат қилади. Ҳозир парк учун ажратилган 4 гектарлик ер атрофи девор билан ўралди.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз булутли бўлиши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Тошкентда 0 даража атрофида, областда эса 0 — 5 даража совуқ бўлади.

Суратда: янги ротор қор тозаловчи машина Революция сквери атрофидаги қорни тозаламоқда.

В. Салов фотоси.

## 1960 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Тошкент трамвай-троллейбус трести коллективи етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш ва КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўладиган Пленумига муносиб совға тайёрлаш учун астойдил меҳнат қилиб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритди.

Трестга қарашли 2-трамвай паркида хизмат қилувчи кондукторлардан 40 дан ортиқ киши катта муваффақиятни қўлга киритди. Улар йиллик планларини 1 декабргача муддатидан 1 ой олдин бажардилар. Социалистик мусобақа ғолиблари А. Алавердова, Л. Розова, Х. Галиева, Х. Муҳамеджонов каби илғор кондукторлар белгиланган планни 133, 121, 117, 116 процентга етказиб адо этдилар. Дадахўжаев, Раҳимова ва Муратбакиева ўртоқлар эса йиллик топшириқларини ноябрь ойининг охиридаёқ ошириб бажардилар.

Кондуктор Х. Муҳамеджонов пландаги 73 минг сўм ўрнига 84 минг сўмликдан ортиқ билет сотди. У йил охиригача яна 12 — 15 минг сўмлик билет сотиш мажбуриятини олган эди. Ишчан кондуктор бу мажбуриятини бажарай деб қолди. Муҳамеджонов етти йиллик планни 6 йилда бажаришга аҳд қилган.

2-трамвай паркининг илғор кондукторлари шу кунларда 1960 йилнинг I квартали ҳисобига ишламоқдалар.

Э. ҚАМБАРОВ,
А. ҲУСАНОВ.

Қойил! Биринчи плёнка яхши чиқипти...

В. Бектуганов фотоэтюди.

## Физкультура ва спорт

## Команда биринчилиги учун

Шахмат бўйича республика команда биринчилиги учун ўтказилган шахмат мусобақаси тамом бўлди. Биринчи ўрин ва республика чемпиони номини «Меҳнат» командаси олди. Бу команда 50 имкониятдан 35 очко тўплади. «Спартак» шахматчилари 30, «Буревестник» командаси 28, «Пахтакор» командаси 26,5, «Динамо» командаси 15 ва «Локомотив» командаси шахматчилари 14,5 очкони қўлга киритдилар.

Мусобақада А. Грушевский («Меҳнат»), М. Муҳиддинов («Локомотив»), И. Бирбрагер, Ф. Коган («Буревестник»), М. Сарваров, А. Жўраев («Спартак») ўртоқлар юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Шунингдек, Ўрта Осиё Политехника институтининг студенти Р. Ниёзбекова ҳам мусобақада яхши ўйнади. У беш имкониятдан 4 очкога эга бўлди.

Энг кучли 60 шахматчи қатнашган бу мусобақа спортчиларнинг ўз маҳоратларини тинмай ошираётганликларини кўрсатди.

## „Спартакнинг" ғалабаси

16 декабрда Каракаседа (Венесуэла) Москва «Спартак» командасининг футболчилари Колумбия чемпиони «Мильонарнос» клуби командаси билан учрашдилар. Ўйиннинг биринчи ярмида ҳисоб очилмади. Иккинчи таймнинг 22 ва 34-минутларида спартакчи Мишин қарши томон дарвозасига иккита тўпни киритишга муваффақ бўлади. Ўйин тамом бўлишига озгина вақт қолганда колумбиячилар «Спартак» дарвозасига битта жавоб тўпини киргизади. Шундай қилиб, бу халқаро учрашувда москваликлар 2:1 ҳисоби билан ғалаба қилдилар.

# Чет элларда

## ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

БУХАРЕСТ, 17 декабрь. (ТАСС). Кеча жаҳон касаба союзлари федерацияси ижроия комитетининг сессиясида музокаралар давом этди.

Эрталабки мажлисда Жаҳон касаба союзлари федерацияси ижроия комитетининг аъзоси Роберто Лара сўзга чиқди. У, Латин Америкасидаги касаба союзлари ва бошқа прогрессив ташкилотларнинг империализмга қарши, тинчлик йўлида қилаётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Болгария касаба союзлари марказий кенгашининг раиси Тодор Прахов Жаҳон касаба союзлари федерацияси ва унда аъзо бўлган миллий касаба союз марказларининг агитация ва пропаганда соҳасидаги ишларига тўхталиб ўтди.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари Луи Сайян ижроия комитет аъзолари дунёдаги кучлар нисбатида рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида бир хил фикрда эканликларини қайд қилди ва ижроия комитетнинг тасдиқига топириладиган резолюцияларнинг асосий маэмунини баён қилди.

Луи Сайян тинчлик учун кураш тўғрисида ва, жумладан, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун олиб борилаётган кураш ҳақида гапириб, бу кураш доимий тус олмоғи керак, деб таъкидлади.

1960 йил бюджети тўғрисида Жаҳон касаба союзлари федерацияси секретариатининг доклади ва Жаҳон касаба союзлари федерациясининг 1958 йилдаги молия ишлари ҳақида ревизия комиссиясининг доклади сессияга тақдим этилди.

## АНГЛИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 18 декабрь. (ТАСС). Англия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Жанубий Африка иттифоқи товарлари бойкот қилинишини қувватлаб баёнот эълон қилди. 1960 йил 20 февралдан 19 мартгача ўтказиладиган бу бойкотда турли касаба союзлар ва прогрессив ташкилотлар қатнашади.

Баёнотда айтилади, Жанубий Африка Иттифоқи ҳукуматининг ғайриқонуний сиёсатига қарши кампания ҳозир Англиянинг миллий ҳаракатига айланмоқда. Баёнот ирқий зулмга қарши бўлганларни бу бойкотни дарҳол бошлаб юборишга чақиради.

## НАТО кенгашининг сессияси тугади

ПАРИЖ, 18 декабрь. **ТАСС мухбири В. Сисоева** хабар беради: НАТО кенгашининг уч кун давом қилган сессияси охирида кеча кечқурун ахборот эълон қилинди. Ахборотда айтиладики, кенгаш НАТО проблемаларини ва халқаро аҳволни муҳокама қилди.

НАТО кенгаши сессиясида қатнашган министрлар, дейилади ахборотда, Атлантик иттифоқи «бундан бўёнги йиллар давомида зарур бўлиб қолаберади» деб ҳисоблайдилар.

Ахборотдан маълум бўлишича, Шимолий Атлантик блоки халқаро иқлим илий бошлаганлигини назарписанд қилмай НАТОнинг ҳарбий қувватини янада кўпайтириш йўлидан бормоқда. «Министрлар, — дейилади ахборотда, — иттифоқнинг зарур кучини таъминламоқ учун зўр бериб куч ва ғайрат сарфламоқ керак деган фикрга келдилар». Ахборот авторлари бу урушқоқлик йўлини «Совет ҳарбий қуввати ўсиб бормоқда» деган гаплар билан оқлашга уринмоқдалар.

Шунга қарамай НАТО кенгаши «Ғарбнинг мақсади ҳали ҳам ёппасига ва контроллик остида қуролсизланишдан иборат бўлиб қолмоқда» ва «Бу йўлда илгари силжиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилади» деб айтмоқда.

Ахборотда қайд қилинишича, НАТО кенгаши Шарқ билан Ғарб ўртасида ўтказиладиган музокаралар масаласини муҳокама қилди ва шу музокараларни тайёрлашда НАТОнинг қатнашиш тартибини белгилаб берди. Ғарб давлатлари ҳукуматлари бошлиқларининг (19 декабрда бошланадиган) музокаралари тамом бўлгач НАТО кенгаши шу музокаларнинг якунларини муҳокама қилмоқ учун 22 декабрда яна тўпланади.

Ахборотнинг охирида НАТО кенгаши Шарқ билан Ғарб ўртасида юксак доирада ўтказиладиган музокаралар асосий проблемаларни ҳал қилишга ёрдам берур деб истак билдиради.

Шу факт диққатни ўзига тортиб турибдики, сессия вақтида НАТО аъзолари ўртасида рўй берган ихтилофлар ҳақида ахборотда бир сўз ҳам айтилмаган. Жумладан, бу блок қуролли кучларини «қўшиш» деб аталган масала бўйича (ҳақиқатда уларнинг қуролли кучларини Америка қўмондонлиги остида бирлашиш масаласи устида) АҚШ билан Франция ўртасида рўй берган ихтилоф ҳақида, шунингдек бошқа низоли масалалар ҳақида ахборотда оғиз очилмаган.

Ахборотда айтиладики, НАТО кенгашидаги доимий вакилларга «Сиёсий, ҳарбий, илмий ва иқтисодий соҳаларда, шунингдек контроллик остида қуролсизланиш соҳасида ўн йил ичида қилинадиган ишларни узоқ муддатли қилиб планлаштириш билан шуғулланиш» топширилди.

НАТО кенгашининг навбатдаги сессияси 1960 йил май ойида Истамбулда ўтказилади.

## Америка-Тунис қўшма ахбороти

ПАРИЖ, 17 декабрь. (ТАСС). Франц пресс агентлиги Тунисдан хабар беради: Тунис президентининг шаҳардан четдаги Ла Марседа бўлган резиденциясида бугун АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр билан Тунис президенти Ҳ. Бурғиба ўртасида музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар тамом бўлгач, Америка—Тунис қўшма ахбороти эълон қилинди. Ахборотда, ҳар иккала президент ҳозирги халқаро аҳволни умумий тарзда муҳокама қилдилар, дейилади. Ахборотда «Тинчликни мустаҳкамламоқ ва халқаро кескинликни юмшатиш учун сарфланаётган куч ва ғайратни давом эттириш» зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президент Эйзенхауэр ва президент Бурғиба «Африка ва Осиё халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалга оширилаётганлиги замонамизнинг энг муҳим воқеаларидан биридир, деган хулосага келдилар. Шу муносабат билан улар «Жазоирдаги қийинчиликлар сабабли вужудга келган» аҳволни муҳокама қилдилар ва шу вақтгача Жазоир масаласи ҳал этилмаганлиги «жиддий ташвиш манбаи бўлиб қолмоқда», деб қайд қилдилар.

АҚШ президенти ва Тунис президенти «Давлатларнинг тинчликни мустаҳкамлашга интилаётганлиги индустриал мамлакатларнинг ҳозир ривожланиб бораётган мамлакатларга катта ёрдам кўрсатишини талаб қилади» деб ишонч билдирдилар.

Эйзенхауэр Бурғиба билан учрашганидан кейин «Де Мойн» крейсерига қайтиб келди, бу ҳарбий кемада у Тулонга (Франция) жўнайди.

## Телевизор экранида

**19 ДЕКАБРДА**

**19.00.** Мактаб ўқувчилари учун рус тилида «Арча байрамига қандай тайёрланмоқдасиз?» ва «Ҳаваскор болалар, сизлар учун» деган эшиттиришлар.

**19.35.** Саноат ходимлари учун эшиттириш.

**19.55.** Сўнгги ахборот.

**20.15.** Узбек лирик куйларидан концерт.

**20.55.** Фильм-спектакль — «Растеряев кўчаси» (1-серия).

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

### ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/XII да **Оқпадар**, 20/XII да **Алишер Навоий**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/XII да **Дилором** (билетлар сотилган), 20/XII да кундуз **Оққуш қўли**, кечқурун **Ғаройиб**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/XII да **Тоҳир ва Зуҳра**, 20/XII да кундуз ва кечқурун **Ошиқ Ғариб**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Айиқлар цирки»** аттракциони. Айиқларни ўргатувчи — РСФСР халқ артисти **Валентин Филатов**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **тўрт марта тамоша** кўрсатилади (эрталаб соат 10 ярим, кундуз 1, 4 ва кеч 8 да).

«ВАТАН» — кундуз ва кечқурун янги кенг экранли рангли бадиий фильм **Одам-рикша**, кундуз соат 1-20 минут, 3, кеч 5 ва 6 да **Кольцов ҳақида қўшиқ**.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун **Кольцов ҳақида қўшиқ**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10-20 минут, 11-50 минут ва кундуз 3-40 минутда **Сизга ёзаман...**, қолган сеансларда **Биз ҳалқмиз**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Юқори табақага кириш йўли**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — эрталаб соат 10 ва кеч 5 да **Арафа**, кундуз 12, ва кеч 10-10 минутда **Шу дунёнинг зўравонлари**, кундуз 2, 3 ярим, кеч 7 ва 8-40 минутда **Кольцов ҳақида қўшиқ**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Сизга ёзаман...**

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Кольцов ҳақида қўшиқ**, кеч соат 5 да **Арафа**.

КОММУНА УИИ — кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да **Ёш тегирмончи**, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да **Узилмаган қарз**.

КИНОЛЕКТОРИЙ — кундуз соат 12, 1-40 минут, 3, 4-40 минут ва кеч 9 да **Сукунат оламида**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
21 декабрда
КОНЦЕРТ
Концертда: СССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева**, СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Ксения Давидова, Жамол Низомхўжаев, Михаил Давидов, Ҳалима Комилова, Клара Юсупова** ва театр солистлари қатнашади.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Савдо бошқармаси**
20 декабрдан бошлаб **Октябрь районининг Ҳамза кўчасидаги собиқ Мол бозорида**
ҲАР ХИЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВА САНОАТ ТОВАРЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ
қишки
чакана ярмарка
ОЧАДИ
**Навоий номли театр ёнидаги ярмаркага**
янги йил олдидан
**турли хил озиқ-овқат ва саноат товарлари**
**кўплаб келтирилаётир.**

## САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

# Зилзилалар ва уларнинг сабаблари

Ер юзининг айрим сабабларга биноан тебраниш ҳаракати одатда зилзила дейилади. Зилзила даҳшатли табиий офатлардан, биридир. Қадим замонларда жуда кўп зилзилалар бўлиб ўтган. Лекин ўша вақтларда фаннинг тараққий этмаганлиги зилзила сабабларини билиш имкониятини бермаган эди.

Геология, физика, кимё ва бошқа фанларнинг тараққий этиши натижасидагина зилзилаларнинг нима сабабдан пайдо бўлиш масаласи тўғри ҳал этила бошланди.

Зилзилалар келиб чиқиш сабабларига кўра учга бўлинадилар, яъни вулканларнинг ҳаракати натижасида содир бўладиган зилзилалар, ер юзида кўчиш сурилмалар ва ер қобиғининг айрим чуқурликдаги жойларида ер ости сувларининг ҳаракати натижасида ҳосил бўлган бўшлиқларнинг тўсатдан ўпирилиши сабабли бўладиган денудацион зилзилалар ва ер шарининг ички қатламларида бўладиган айрим процесслар натижасида тоғ жинсларининг қатламлараро силжиши, ёрилиши сабабли бўладиган тектоник зилзилалар. Тектоник зилзилалар тоғларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган, ер юзининг кўтарилиш ва пасайиш процесслари билан боғланган зилзилалардир. Ўрта Осиёда ҳозирги вақтда ҳаракат қилиб турган вулканлар йўқ. Шунинг учун бу ерда вулканик зилзилалар бўлмайди.

Зилзила ернинг бирор нуқтасида бошланади, бу жой зилзила ўчоғи дейилади. Зилзила ўчоғининг ер устидаги марказини эпицентр дейилади. Ер юзида зилзиланинг энг кучли тебратиши эпицентрда бўлади. Зилзила ўчоғи устида пастдан юқорига йўналган силкиниш сезилади. Лекин зилзила марказидан узоқлашилган сари, унинг силкитиши ер юзига тик бўлиб қолмай, борган сари ётиқроқ бўла боради, яъни зилзила марказида жисмлар юқорига отиб ташланса, ундан узоқлашган сари жисмлар ёнига йиқилади. Ер қимирлашга олиб келинадиган силкинишлар натижасида эластик тўлқинлар ҳосил бўлиб, улар ернинг ички ва юзаки қатламлари бўйлаб ҳар тарафга тарқаладилар. Буларни махсус сезгир асбоблар — сейсмографлар ёрдами билан ёзиб олинади.

Зилзила тўлқинларининг йўналиши ва ер юзига келиб чиқиш бурчаги аниқлангандан сўнг, зилзиланинг ўчоғи қайси чуқурликда эканлигини аниқлаш мумкин. Зилзиланинг ўчоғи ҳар хил (баъзан 800 километргача) чуқурликда бўлади.

Вулканик ва ўпирилиш (денудацион) зилзилаларнинг ўчоғи унча чуқур бўлмайди. Тектоник зилзилаларнинг ўчоғи ҳар хил чуқурликда бўлади. Ўрта Осиёда жуда кўп зилзилалар бўлиб ўтган ва бўлиб туради, уларнинг деярлик ҳаммаси тектоник зилзилалардир. Масалан, Наманганда 25 километр нарида жойлашган ҳозирги Ахси қишлоғи ўрнида қадимда Ахси шаҳри бор эди. 1620 йилда шу шаҳарда жуда кучли зилзила бўлган. Бу зилзилани ўз бошидан кечирган тарихчи Муҳаммад Тоҳирбек Абдулқосим бир асарида бундай деб ёзади:

«Ахси вилоятида кучли зилзила бўлди. Сирдарё ўз қирғоқларидан чиқиб, атроф ерни сув босди. Сув билан бирга ер юзига отилиб чиққан балиқлар кўплаб нобуд бўлди. Катта-катта дарахтлар илдизи билан қўпорилиб, ерга йиқилар эди. Уйларнинг деярлик ҳаммаси бузилиб, уларнинг тагида одамлар қолиб кетди; айримлари оёқ-қўли синган ҳолда ҳаробалар тагидан тортиб олинди. Ҳуккан моллар далаларга қочиб кетиб, қаерга борарини билмай, чопиб юрарди...»

**Шу йил 25 октябрда Бўстонлиқ районида, шу жумладан бизнинг Нанай қишлоғимизда қаттиқ ер қимирлаш бўлди. Шундан кейин ҳам (асосан кечалари) ер қимирлаш ҳоллари сезилиб туради. Бу райондаги ер қимирлашларнинг сабаблари ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.**

**М. САФОЕВ,**
**География ўқитувчиси.**

XVI асрда Захириддин Муҳаммад Бобир ҳам ўзининг «Бобирнома»сида Фарғона, Андижон, Тошкент, Зарафшон, Қоратегин ва Самарқанд каби катта шаҳарларда даҳшатли зилзилалар бўлганини таъсирлайди.

1902 йилда Андижонда жуда кучли зилзила бўлиб, ер бир неча жойидан ёрилган. 1927 йилда Наманганда, 1946 йилда Чотқол тоғларида кучли зилзила бўлди. Кейинги зилзиланинг ўчоғи Тошкентдан 250 километр нарида бўлишига қарамай, Тошкент иморатларининг айримларига зарар етди.

Ўзбекистонда охирги пайтда бўлган кучли зилзила шу йил 25 октябрь соат 5-у 40 минутда рўй берди. Бу зилзилани Ўрта Осиёда жойлашган ҳамма сейсмик станциялар қайд қилди. Текширишларга кўра бу зилзиланинг маркази ер юзидан тахминан 25 километр чуқурликда Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла ва Обиҳамат қишлоқларига яқин Чотқол тизма тоғларининг давомида жойлашган. Зилзиланинг кучи эпицентрда 7 балл бўлган. Шунингдек, Боғистон, Нанай ва шу атроф қишлоқларда ҳам 7 баллга яқин, Чимён, Хўжакент, Ғазалкентларда 5 — 6 балл, Чирчиқ, Тошкентда 5 балл, Олмалиқ, Пискент, Сўқоқда 4 балл, Заркент, Паркентда 3—4 балл, Наманганда 4 балл бўлиб сезилган. Биринчи марта бўлиб ўтган зилзиладан сўнг вақт-вақти билан яна бир неча марта ер қимирлаб турди ва кучсиз ер қимирлаши шу районда ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бу зилзила тоғлардан тектоник процесслар — ернинг кўтарилиши ва пасайиши, тоғларнинг ҳосил бўлишига олиб келадиган процесслар натижасида содир бўлди. Чотқол тоғлари ҳозирги даврда ҳам ривожланиб келаётган ёш тоғлардандир. Бу тоғларнинг кўп ерларида тектоник узилишлар (ёриқлар) бор. Мана шу узилишлар, айниқса ернинг кўтарилиш ва пасайиш участкалари туташ ерларидаги эски узилишларнинг силжиши ёки янги тектоник узилишларнинг ҳосил бўлиши натижасида ер қимирлайди.

Қадим замонларда кишилар зилзилани гуноҳкорлар бошига худо томонидан юборилган офат деб ҳисоблардилар. Ҳар бир дин халқнинг табиат қонунларини билмаслигидан фойдаланиб, улардан қўрқитиш қуроли сифатида фойдаланган.

Ҳозир бу табиий ҳодисанинг физик ва геологик томонлари яхши аниқланган ва зилзилаларнинг иморатларга ва халқ хўжалигига зарарини камайтириш ва йўқотиш мақсадида биз дуога эмас, ҳозирги қурилиш техникасига мурожаат қиламиз. Иморатларни зилзилалар пайтида бузилишдан сақлаб қолиш учун бирдан-бир йўл бор, у ҳам бўлса, уларни яхши, мустаҳкам қуриш кифоя. Яхши қурилиш материаллари, қурилиш ишларининг сифатли олиб борилиши, тарихий амалда ва назарияда ишлаб чиқилган энг яхши қурилиш методлари — мана булар сейсмик районларда қуриладиган иморатларнинг хавфсизлигини таъминлайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиё халқларининг сиғиқ деворли иморатлари зилзилаларга яхши бардош беради.

Биз ҳали зилзилаларни олдиндан айтиб бера олмаймиз. Бу соҳада илмий-тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилаётир. Лекин қайси ерда зилзилалар бўлиб туришини, уларнинг кучи қайси районларда, неча баллга етиши мумкинлигини ва улар билан қандай курашиш лозимлигини, яъни зилзилаларга бардош бера оладиган иморатларни қайси ерда, қандай қилиб қуришни биламиз. Бунинг учун махсус сейсмик районлаштириш картаси тузилган. Бу картага қараб қайси районда қандай қурилиш нормаларига риоя қилиш кераклигини билиш мумкин.

Е. М. БУТОВСКАЯ,
СССР Фанлар академиясининг Тошкент сейсмик станцияси мудири.
В. МИРЗАЕВ,
станциянинг илмий ходими.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 38262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 10423. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1016.